

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УДК: 375.12

Магистратура бўлими

“Педагогика” кафедраси

5A140801 – педагогика мутахассислиги

КАРИМОВА ГАВХАР

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
БАДИИЙ ПЕДАГОГИКА ИМКОНияТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ (8-9
СИНФЛАР МИСОЛИДА)
мавзусидаги магистрлик диссертацияси**

**“Ҳимояга тавсия этаман”
Магистратура бўлими бошлиғи
_____ Н.А.Ҳамедова
“___” _____ 2011 й**

**Илмий раҳбар: п.ф.н., проф.
_____ А.С.Калдыбекова
“___” _____ 2011 й.**

**“Педагогика” кафедраси
муздри, п.ф.д., проф.
_____ Н.М.Эгамбердиева
“___” _____ 2011 й.**

ТОШКЕНТ – 2011

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I БОБ. БАДИЙ ПЕДАГОГИКА – ПЕДАГОГИКАНИНГ АЛОҲИДА СОҲАСИ СИФАТИДА	
1.1. Адабий таълим ва ёшлар тарбиясининг ўзаро алоқадорлиги.....	9
1.2. Бадиий-маърифий асарларнинг ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришдаги имкониятлари.....	2
Биринчи боб бўйича хулсалар.....	48
II БОБ. ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА БАДИЙ ПЕДАГОГИКА ИМКОНИЯТ-ЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ-ТЕХНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ	
2.1. Умумтаълим мактаби ўқувчиларининг мустақил фикрлашини шакллантиришда бадиий педагогика имкониятларидан фойдаланиш йўллари.....	50
2.2. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришда бадиий педагогика имкониятларидан фойдаланишга доир тажриба синов ишлари мазмуни ва натижалари.....	59
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	64
Умумий хулоса ва тавсиялар.....	65
Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати.....	69
Иловалар.....	75

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, хусусан, дунёнинг айрим минтақаларида тобора кучайиб илдиз отиб бораётган маънавий инқироз хавфи халқимиз маънавиятини асраш баробарида уни юксалтириш, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан ҳимоя қилишни талаб қилмоқда.

Юртбошимизнинг кўп йиллик ҳаётий тажрибалари натижаси ўлароқ дунё юзини кўрган “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, балки бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи эканлиги, ҳал қилувчи куч эса енгилмас, енгилмас куч юксак маънавиятли шахс тимсолида намоён бўлиши ҳар жихатдан асослаб берилди. Айни замонда, “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз холига, ўзбўларчиликка ташлаб кўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин” [6, 4]лиги хавфининг олдини олиш чоралари аниқ кўрсатиб берилди. Шунингдек, асарда янги жамият куриш йўлида халқимизнинг маънавий юксалишини ўз олдимизга қўйган олижаноб мақсадларга етишда ҳал қилувчи мезон деб қараш ва шу асосда иш олиб бориш биз учун доимо устувор вазифа бўлиб келгани, бугун ҳам эътиборимиз марказида турганининг алоҳида таъкидлангани эътиборлидир.

Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган қудратли восита сифатида адабиёт ёш авлодда миллий ғурур ва ифтихор туйғусини шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. “Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларни эса инсон руҳининг муҳандислари, деб таърифланиши бежиз эмас, албатта” [6, 136]. Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, “Халқимиз орасидан мана шу ғоят машаққатли соҳада бутун ҳаёти ва ноёб истеъдодини бағишлаб, адабиётимиз хазинасидан ўрин эгаллаган ўлмас асарлар яратган буюк сўз санъаткорлари етишиб чиққани билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз” [6, 137].

Замонавий шароитда республикамизда қатор бадий-маърифий асарлар яратилиб, мазкур асарлар ўсиб келаётган авлодни турли маънавий таҳдидлардан асраб-авайлаш билан бирга, уларни ҳар томонлама баркамол, юксак маънавиятли шахслар этиб тарбиялашда муҳим восита вазифасини бажармоқда. Айниқса, бадий педагогика имкониятларидан кенг фойдаланиш умумтаълим мактаби ўқувчиларининг мустақил фикрлашини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Узлуксиз таълим жараёнида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда бадий-маърифий асарлардан фойдаланиш масаласи М.Очилов, К.Ҳошимов, С.Файзулина, С.Аннамуратова, О.Мусурмонова, С.Нишонова, У.Маҳкамов, М.Иномова, М.Қурононов, С.Очилов, Н.Ортиқов, А.Чориев, Қ.Қуронбоев, Ж.Тошматова, Ш.Олимов, Г.Махмутова, Ш.Халилова каби педагог олимлар томонидан ёритиб берилган бўлиб, тарбиянинг хилма-хил турлари билан боғлиқлигини ўзида акс эттиради.

Шунингдек, бадий адабиёт ва ёшлар тарбияси муаммолари А.Қаюмов, Б.Тўхлиев, И.Йўлдошев, Қ.Йўлдошев, М.Жумабоев, М.Мирқосимова, Қ.Хусанбоева кабилар томонидан кенг ўрганилган бўлиб, улар томонидан яратилган қатор илмий асарларда ўз ифодасини топган.

Таълим-тарбия жараёнида таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш ҳамма замонларда ҳам долзарб масала бўлиб келган. Қадимги ва ўрта аср Шарқ ва Европа мутафаккирлари таълим жараёнида бола ўз фикрига эга бўлиши лозимлигини жуда кўп таъкидлашган. Аристотель, Сукрот, Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа кўпгина олимлар мустақил фикрлай олишга шахс ривожининг асосий хусусияти сифатида қарашган.

Мазкур масала юзасидан ўтказилган тадқиқотларнинг таҳлилига асосланиб, мустақил фикрлашни шакллантириш кўп қиррали жараён эканлиги, турли фан вакиллари ўз тадқиқот соҳаси нуқтаи назаридан ёндашиб, муаммонинг ечимига эътибор қаратишганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Файласуф олимлардан Ж.Туленов, И.Каримов, В.Алимасов, А.Эркаев, М.Липман, Г.Мэтьюз кабилар мустақил фикрлашнинг фалсафий талқинига эътибор қаратганлар.

Психолог олимлардан А.Н.Леонтьев, Н.Ф.Талызина, Г.И.Щукина, М.Г.Давлетшин, Э.Ғозиев, В.М.Каримова, Р.И.Суннатов, З.Т.Нишонова ва бошқалар муаммонинг психологик жиҳатлари ҳақида фикр билдирганлар.

Педагог олимлардан Ю.К.Бабанский, М.И.Махмутов, И.Ф.Харламов, П.Н.Пидкасистый, Т.И.Шамова, М.С.Нуритдинова, С.Нишонова, В.И.Андрянова, М.Қуронов кабиларнинг асарларида ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш масаласи умумий тарзда баён этилган.

Турли фанларни ўқитиш жараёнида ҳам мазкур масала юзасидан тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, С.Ҳ.Яминова, Қ.П.Хусанбоева адабий таълим жараёнида; Ш.У.Нуруллаева эса, бошланғич синфларда ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг методик асослари ҳамда Б.Х.Ходжаев тарих дарсларида 5-7-синф ўқувчиларининг мустақил фикрлашини шакллантиришнинг дидактик асослари юзасидан илмий тадқиқотларни амалга оширишган.

Бироқ бадиий педагогика имкониятларидан фойдаланиш орқали умумтаълим мактаби ўқувчиларининг мустақил фикрлашини шакллантириш масаласи алоҳида тадқиқ этилмаган. Ана шундай долзарблиқдан келиб чиққан ҳолда, биз тадқиқотимиз мавзусини “Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришда бадиий педагогика имкониятларидан фойдаланиш (8-9 синфлар мисолида)” тарзида танлашни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Тадқиқот мақсади: умумтаълим мактаби ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришда бадиий педагогика имкониятларидан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш орқали мазкур жараён самарадорлигини оширишга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш .

Тадқиқот вазифалари:

1. Адабий таълим ва ёшлар тарбиясининг ўзаро алоқадорлигини асослаш.
2. Бадиий-маърифий асарларнинг ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришдаги имкониятларини аниқлаш.
3. Ўқувчиларининг мустақил фикрлашини шакллантиришда бадиий педагогика имкониятларидан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш.
4. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришда бадиий педагогика имкониятларидан фойдаланишга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти: 8-9 синф ўқувчиларининг мустақил фикрлашини шакллантириш жараёни.

Тадқиқот предмети: бадиий педагогика имкониятларидан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш мазмуни, имкониятлари ва йўллари.

Тадқиқот методлари: анализ, синтез, аналогия, қиёслаш, тизимлаштириш, педагогик эксперимент.

Тадқиқотнинг методологик асосини Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Республика Президенти И.А.Каримовнинг юксак маънавиятли шахсни шакллантиришга доир концептуал ғоялари, бадиий педагогика қонуният ва тамойиллари ташкил этди.

Тадқиқот фарази. Агар:

- 1) адабий таълим ва ёшлар тарбиясининг ўзаро алоқадорлиги асосланса;
- 2) бадиий-маърифий асарларнинг ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришдаги имкониятлари аниқланса;
- 3) ўқувчиларининг мустақил фикрлашини шакллантиришда бадиий педагогика имкониятларидан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилса;
- 4) ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришда бадиий педагогика имкониятларидан фойдаланишга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилса, мазкур жараён самарадорлигига эришиш мумкин.

Ҳимояга олиб чиқилаётган ҳолатлар:

1. Адабий таълим ва ёшлар тарбиясининг ўзаро алоқадорлиги.
2. Бадиий-маърифий асарларнинг ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришдаги имкониятлари.
3. Ўқувчиларининг мустақил фикрлашини шакллантиришда бадиий педагогика имкониятларидан фойдаланиш йўллари.
4. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришда бадиий педагогика имкониятларидан фойдаланишга доир илмий-методик тавсиялар.

Ишнинг илмий янгилиги:

1. Адабий таълим ва ёшлар тарбиясининг ўзаро алоқадорлиги асосланди.
2. Бадиий-маърифий асарларнинг ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришдаги имкониятлари аниқланди.
3. Ўқувчиларининг мустақил фикрлашини шакллантиришда бадиий педагогика имкониятларидан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилди.
4. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришда бадиий педагогика имкониятларидан фойдаланишга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижалари асосида:

- 1) бадиий педагогика фанининг имкониятлари яна-да, кенгайтирилди;
- 2) бадиий-маърифий асарлар тизимлаштирилди;

3) бадий-маърифий асарлардан фойдаланишнинг шакл, метод ва воситалари тизимлаштирилди;

4) ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришда бадий педагогика имкониятларидан фойдаланишга доир методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мазкур натижалардан педагогика коллежлари ихтисослик йўналишлари ДТС, ўқув дастури, дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда фойдаланиш мумкин.

Илмий ишнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, икки боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми бетни ташкил этади.

I БОБ. БАДИЙ ПЕДАГОГИКА – ПЕДАГОГИКАНИНГ АЛОҲИДА СОҲАСИ СИФАТИДА

1.2. Адабий таълим ва ёшлар тарбиясининг ўзаро алоқадорлиги

Шарқда жуда қадим замонлардан бошлаб ўқиш-ўқитиш ишларига алоҳида эътибор берилган. Биз қадимги Бобилда, Хитой ва Ҳиндистонда, Ўрта Осиёда йирик фан ва маданият марказлари бўлганини яхши биламиз. Улар жаҳон ҳамжамиятидаги бошқа йирик мутафаккирлар қаторида инсоният яратган улкан мероснинг бунёд этилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишган. Шарқ мутафаккирлари, буюк ижодкорлар дунё ҳамжамияти билан ҳамкорлик асосида турли фанларнинг ютуқ ва равнақини таъминлаб келишган. Шунингдек, бадий асарларнинг ўқитилиши ҳам уларнинг эътиборида бўлган. Фақат тилшунос ва адабиётшунос олимлар, шу фанлардан дарс берадиган мударрисларгина эмас, айрим соҳа мутахассисларининг ҳам сўз санъатидан хабардорлиги шарт ҳисобланган. Юсуф Хос Ҳожиб турли соҳа эгаларида бўлиши лозим бўлган хислат ва фазилатлар ҳақида гапирар экан, жумладан элчиларга қўйиладиган талаблар орасида куйидагиларни ҳам алоҳида таъкидлайди:

Уқушлуғ керак қаз йалавач ўруг,
 Билимлиг керак сўзка билга, йўруг.
 Йана билса сўзнинг ичи ҳам таши,
 Этилса анинг ўтру бузмиш иши.
 Элчи жуда заковатли, хотиржам бўлиши керак,
 Билимли, сўзга доно, тадбирли бўлиши керак.
 Яна сўзнинг ичи ҳам ташини билса,

(Токи) унинг туфайли бузилган ишлари тузалса [67, 418-419].

Академик Крачковский: “Ёзма обидаларни тушуниш ҳаммадан олдин унинг ёзуви ва тилини тушуниш демакдир, шу обида мансуб бўлган давр ёзуви ва тилини тушуниш, ўша даврда ёзишган ёзув ва тилни тушуниш демакдир. Шунинг учун шарқшунос-филолог зарур бўлган даражада мазкур ёзув ва тилни билишигина эмас, уларни тарихан билиши керак бўлади. Ёзма обидани тушуниш-шундай қилиб, унинг адабий табиатини тушуниш, демакдир, зеро, ҳар қандай ёзма обида унинг шакл ва мазмуни қандай бўлишидан қатъий назар, адабий асардир” [57, 5], деб ёзган эди. Айни пайтда, олим қадимги ёзма манбаларни тушунишда филолог бўлишнинг ўзи камлик қилишини, унинг, албатта, тарихчи ҳам бўлиши кераклигини кўп марта таъкидлайди.

Биз бунинг ёнига адабиётнинг қадимги даврлари билан шуғулланадиган мутахассис ва педагогларда кўплаб фан соҳаларидан яхши хабардорликни ҳам шарт қилиб қўйган бўлар эдик. Бу силсилада, айниқса, фалсафа, мантиқшунослик, этнография, археология, санъатшунослик, мифология, фольклоршунослик, педагогика, психология фанларининг ўрни ва аҳамияти каттадир. Шунга қарамай, адабиётшунослик фанларини ўқитишда, уларнинг мазмунига қўйиладиган талаблар ҳақида ҳалигача узил-кесил хулосалар охирига етган эмас. Бу борадаги баҳс ва мунозаралар давом этиб келяпти. Ушбу мунозарада адабиёт ўқитувчиларигина эмас, адабиётшунослар, руҳшунослар, санъатшунослар, шунингдек, бошқа соҳа мутахассисларининг ҳам фикрлари мавжуд.

Бадий асарларни ўрганишга нисбатан фақат амалий масалаларни ҳал қиладиган йўналиш сифатида қаровчиларнинг устувор мавқе тутишини таъкидлаш жоиз. Уларнинг фикрларида жон борлигини инкор этмаган ҳолда, бадий асарларни ўрганишнинг фақат амалий жиҳатлар билан чекланмаслигини таъкидлаш жоиз.

Рус методистлари бу ҳақда шундай фикр билдиришади: “Айримлар учун адабий асарларни ўрганиш амалий адабиётшуносликдир; бошқа бирлар уни ўқитиш санъати деб аташади; учинчи бир тоифа ундан дарсларни ўтказишга ёрдам берадиган маслаҳатларни излашади; тўртинчи тоифа эса, дастлаб, методикадаги таълим жараёнининг психология фанининг китобхон-ўқувчи ҳақидаги, унинг ривожланиш босқичлари ҳамда бадий асарни қабул қилиш хусусиятлари ҳақидаги кўрсаткичларига таяниб туриб ташкил этишни қадрлашади” [19, 3].

Ҳар бир замон аҳлининг таълим-тарбия жараёнларига боғлиқ бўлган ўз муаммолари бўлади. Бу бадий педагогика билан ҳам алоқадордир. Ҳали ёзув бўлмаган замонлардаёқ сўз маъносининг турланиши, ундаги сеҳр ва таъсир кучини жамият аъзолари яхши ҳис этишган. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида адабий асарларни бошқаларга етказишнинг шакл ва усуллари ҳам такомиллашиб борган.

Бугун – ХХI асрнинг биринчи чорагида туриб барча муаммолар қаторига техниканинг, компьютерлаштиришнинг оқибатларидан бири сифатида бадий асарни ўқишга бўлган интилиш ва рағбатларнинг пасайиб бораётганлиги ҳам мутахассислар томонидан бот-бот тилга олинмоқда. Эндиликда бадий асарни ўқишга ўргатишнинг энг оммавий, энг замонавий, энг таъсирчан шакл ва усуллари излаш, топиш зарурати ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ бўлиб турибди. Шундай экан, адабиётшунослик фанларини, бадий адабиётни ўргатишни кўзда тутадиган фан жамият аъзоларига, биринчи навбатда, ўқувчи-ёшларга, талабаларга, қолаверса, шу соҳанинг бўлажак мутахассисларига қайси усуллардан фойдаланиш афзалликларини кўрсатиб бериши, уларнинг олдида сўз

санъатини ўқитиш билан алоқадор бўлган ҳолда пайдо бўладиган турли муаммоларнинг ҳал қилинишига ёрдам бериши лозим.

Профессор Б.Тўхлиев бадий асарларни ўрганиш масаласига тўхталар экан, куйидаги саволларни кўндаланг кўяди:

“Бадий асарни ўқитиш ва ўргатишнинг асосий мақсадлари сифатида нималар белгиланиши лозим? Болаларнинг қайси ёшида бадий адабиётнинг қандай намуналарини тавсия этиш мумкин? Ҳар қандай бадий асарни ўқувчиларга тавсия этиш мумкинми? Ўқувчилар учун муайян бадий асарни тавсия қилишда қандай «ўлчов бирликларига» таяниш керак? Уларнинг бадий асарларни тушунишларидаги қандай қирралар биринчи навбатда эътиборда туриши керак? Бадий асарни таҳлил қилишнинг ҳамма риоя этиши шарт бўлган ёки барча бир хилда фойдаланиши мумкин бўлган шакл ва усуллари мавжудми? Уларни танлашда нималарга эътибор қаратиш ўринли бўлади? Умуман, бадий асар қандай таҳлил қилиниши керак? Бунда ўқувчиларнинг шахсий-индивидуал хусусиятларини эътиборга олишнинг даражалари қандай бўлади?”

Кўриниб турибдики, бу саволларга енгилгина жавоб бериш мумкин эмас. У кўплаб назарий муаммоларни билишни, ўрганишни ҳамда ҳал қилишни тақозо этади. Бу муаммоларни бирданига ҳал қилиш бир кишининг қўлидан келмаслиги ҳам аён ҳақиқатдир. Бунинг учун йирик методист олимларнинг жуда катта куч ва ғайратлари сафарбар қилиниши лозим. Шунга эришиш лозимки, ўқувчи таълим жараёни учун ажратилган вақтдан унумли фойдалана олсин, унинг кучи бадий асарни ўрганиш учун энг оқилона тарзда йўнлтирилсин, буларнинг пировард натижасида эса у бадий асардаги асосий ва иккинчи даражали, муҳим ва номуҳим ҳодисаларни онгли равишда фарқлай олиш, ажрата билиш кўникма ва малакаларини пухта эгалласин.

Худди шу ерда адабиётнинг, адабий асарларнинг ёш авлодни тарбиялашдаги ўрни яққол намоён бўлади. Зеро, “Адабиётшунослик бадий адабиёт ҳақидаги фандир. Адабиётшунослик бадий адабиётни, унинг моҳиятини, келиб чиқишини ва ижтимоий алоқаларини ҳар тарафлама ўрганувчи фандир; сўз орқали бадий фикрлашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги, бадий ижоднинг генезиси (негизи, замини) структураси (тузилиши), тарихий-адабий жараённинг локал (маълум жой ва даврга оид) ва умумий қонунлар ҳақидаги билимлар жамидир; бу сўзни торроқ маънода олганда, адабиётшунослик бадий адабиётни ва ижодий жараённи ўрганишнинг принциплари ва методлари ҳақидаги фандир” [23, 15]. Демак, адабиётшунослик туркумига мансуб бўлган фанларнинг қайси босқичда ўқитилишидан қатъий назар, мутахассис адабиётшунослик фанлари назариясидан четда қола олмайди. Уларнинг умумий саноғини И.Султон адабиёт

тарихи, адабий танқид, адабиётшунослик методологияси, адабиёт назарияси, адабиётшунослик историографияси, тарзида кўрсатади.

Бадий асарнинг моҳиятини англаш, биринчи навбатда, уни ҳис этиш билан боғлиқ. Бу ерда ўқитувчининг муайян бадий асарни таҳлил қилиш, таҳлил жараёнларига ўқувчиларни жалб этиш ва бу жараённинг ичига уларни тўлиғича кирита олиш маҳоратига чамбарчас боғлиқдир. Бу ҳолат ҳар бир асарнинг жанр хусусиятларини, тасвир принципларини, воситаларини, тегишли адабий-назарий тушунчаларни, синф ва синфдан ташқари машғулотларнинг ўзаро алоқадорлигини, шунингдек, дарс жараёни ва мустақил ишлар уйғунлигини, уларни ташкил этишдаги замонавий илғор методлардан фойдаланишни тақозо этади.

Ушбу жараёнларнинг фақат ўқитувчи эмас, балки ўқувчи шахсига кўпроқ боғлиқлиги ҳам муҳим омиллардан биридир. Агар бўлажак мутахассис эркин, мустақил, ижодий фикр эгаси бўлиб етишмас экан, ҳар қандай замонавий шакл ва усуллар, ҳар қандай замонавий педагогик технологиялар, ўқитувчининг ҳар қандай маҳорати самарасизлигича қолаверади. Демак, таълим-тарбия жараёнларининг инсонпарварлаштири-лиши биринчи навбатда, бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

Бадий педагогиканинг эндигина шаклланиб келаётган ўқувчи шахсига кўрсатадиган ахлоқий-маънавий, маърифий, эстетик ҳамда эмоционал таъсирнинг кучайиши унинг энг муҳим нуқталардан бирини ташкил этади. Бу адабий таълимнинг барча босқичларида узлуксиз тарзда такомиллашиб бориши шарт бўлган жараёндир.

Бадий адабиёт инсоннинг турли даврларида унга турлича таъсир кўрсатади. Унинг бу хусусияти жуда қадимги даврлардаёқ илғаб олинган эди. Жумладан, Афлотун бу ҳақда шундай дейди:

“- Сўз санъатининг эса икки хили бор: бири – ҳақиқий, иккинчиси – ёлғон?

- Ҳа.

- Иккала хили билан ҳам тарбиялаш керак, бироқ аввал ёлғони билан?

- Нима демокчилигинингни сира тушунмаяпман.

- Мурғак болаларга аввал мифларни ҳикоя қилишимизни тушунмаяпсанми? Мифлар, умуман айтганда, ёлғон, бироқ уларда ҳақиқат ҳам мавжуд. Болалар билан ишларкан, биз мифларга гимнастик машқлардан олдин мурожаат қиламиз.

- Ҳа, шундай.

- Шунинг учун ҳам аввал мусик тарбияга, сўнг эса гимнастик тарбияга киришмоқ керак, дедим-да.

- Тўғри” [45, 99].

Демак, бадий адабиёт билан таништиришда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига, уларнинг билим даражалари, дунёқарашлари, адабий тажрибалари, бу соҳадаги кўникма ва малакаларига таяниш зарурати қадимги замонлардаёқ яхши илғаб олинган ва унга риоя этилган.

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, бадий педагогика ўсиб келаётган ёш авлоднинг шахсияти, маънавий олами, тафаккури, нутқи ҳамда ижодий қобилиятларининг шаклланиши ва ўсишида мутлақо ўзига хос ўрин тутади. Бунга у ўзидаги бадийлик туфайли эришади.

“Бадийлик санъатнинг барча турлари учун ҳам хосдир. Бадийлик бўлмаса, санъат яшай олмайди. Бадийликсиз санъатнинг бирор турини тасаввур этиш мумкин эмас. Айни пайтда, санъатнинг ҳар бир турида бадийлик ўзига хос тарзда намоён бўлади. Уларнинг ҳар бирида бошқалариникига ўхшамаган восита ҳамда имкониятлар мавжуд. Бу жиҳатдан адабиёт мутлақо ўзига хос хусусиятларга эга. Мутахассислар бу ўзига хосликларни атрофлича таъриф ва тавсиф қилиб беришган. “Санъатнинг бош хусусияти сифатида бадийлик воқеликни бетакрор образлар асосида акс эттиришини, тор маънода эса “бадийлик” санъат асарининг эстетик моҳиятини белгиловчи мезонни англатади” [57, 8].

“Инсон болалари энг эски замонларда йитиркич ҳайвонлардан ўзларини сақламок учун тоғ тешиқларида, ғор (моғора)ларда яшаган вақтларда тинч ётмаганлар, жим турмаганлар. Секин-секин тоғ тешиқ-ларидан бошларини чиқариб, табиатнинг ясанган ва ўсдирган, вужудга чиқарган жонлиқ ва жонсиз нарсаларни синчиклаб текшириб қарай бошлаганлар. Кўнгилларга ёқишган, кўзларига яхши кўрунган ҳайвон ва бошқа нарсаларнинг расм, ҳайкалларин (гавдаларин – А.А.) қандай қийинчиликлар билан бўлса-да, тошларга, тошлардан ва темирлардан чўкичлар ясаб, суратларини, расмларини ўйганлар. Келгуси учун ёдгорлик қолдирганлар.

Масалан, икки кийик бир-бири билан сузишиб турганлиги, ёхуд бир тоғ эчкисининг семируб кўграб юрганлиги ёки йиртқич ҳайвонларнинг бошқа ҳайвонларга қилиб турган зўрлиқ ва йиртқилиқларин кўрганлар-да, мутаассир бўлганлар. Мана бу диллардаги таъсир ва ҳаётни тўхтата олмаганлар ва шу ҳиссиёт тўлқунини ўзларидан сўнг қоладирган болаларига англатмоқ нияти билан, минг машаққатлар билан тошларга ўйиб қолдирғонлар. Мана бу гавда (ҳайкаллар – А.А.)лар бизларга ишланган (ёдгор – А.А.) эскартмалардир” [14, 15].

Таълим тизимининг қуйи босқичларида, умумий ўрта таълимда, академик лицейлар, шунингдек, касб-хунар коллежларида ўрганиладиган адабий асарларнинг

камрови ҳар доим ҳам долзарб илмий-назарий ва амалий аҳамият касб этади. Худди шунинг учун ҳам адабий таълимнинг турли босқичлари учун тузиладиган дастур, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мундарижаси, мазмуни алоҳида эътиборни талаб этади. Мустақиллик даврида бу масалаларнинг янада жиддийроқ тарзда муҳокама қилиниши, бу борадаги янгилаш ва такомиллаштириш ишларининг узлуксиз равишда давом этаётгани қонуний ҳолдир.

Эндиликда мустақиллигимиз шарофати билан адабиётимизнинг қоронғи саҳифалари тобора кўпроқ ойдинлашиб бормоқда. Ҳар ҳолда диний-мистик ҳамда сарой адабиёти деган ном остидаги адабиётимиз намуналарининг тўла истеъмолга киритилиб бораётганини қайд этиш мумкин. Қатағон қурбонлари бўлган адибларимизнинг асарлари ҳам тобора тўлароқ ҳолда нашр этилмоқда. Уларнинг ёнига янги-янги номлар келиб қўшилмоқда. Худди шу силсилада уларга муносабат борасида ранг-баранг қарашлар, турфа талқинлар, ҳатто бир-бирини инкор этадиган фикр-мулоҳазалар кўзга ташланиб бораётир. Худди шу жараёнда ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигининг ўзига хос қирралари намоён бўлади, аниқроғи, бу ҳамкорликнинг янги-янги талаблари пайдо бўлиб боради. Ана шундай жўшқин жараёнлар ўқувчиларнинг кўпроқ мустақил изланишлари, ижодий фикрларига йўл очади. Ўқитувчининг эса маҳорат билан, ҳаттоки сабр ва матонат билан мана шу йўлларни кўрсатиб бориши, бундай жараёнларнинг тепасида том маънодаги қуловуз – йўл кўрсатувчи бўлиши керак бўлади. Фикрларнинг хилма-хиллиги бир фикрдан воз кечиб бошқасини тан олиш керак ва шарт дегани эмас, балки ҳақиқатан ҳам адабиёт оламининг рангин ва такрорланмаслигидан, унинг ўзига хослигидан, шунга кўра талқинларнинг турфа хил бўлиши мумкинлигидан келиб чиқаётган ҳолатдир.

Методист олимлар адабиёт фанларини ўқитишдаги “ахлоқий-маънавий, ғоявий, эстетик ёки ахлоқий-эстетик йўналишлар” борлигини қайд этишади. Уларнинг ёнида ғоявий–эстетик, эмоционал-эстетик, адабий ҳамда лингвостилистик таҳлиллар кўрсатилади.

Фан ҳар доим ривожланишда бўлади. Бу ривожланиш жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ўсиш билан чамбарчас боғлиқдир. Ривожланишнинг ҳар бир даври учун тегишли тушунчалар, муайян назарий қарашлар хос бўлади. Бу адабий-эстетик қарашлар учун ҳам алоқадордир.

Ривожланишнинг ўзи тарихий характерга эга. Ана шу жараёнда нимадир эскиради, нимадир ўз вазифасини адо этиб бўлади, уларнинг ўрнига янги ҳодисалар юзага келади. Янги ҳодисалар олдингисидан фарқланадиган хусусиятларга, улар бажара олмайдиган вазифаларни бажара олишига, камровининг янгичалиги ва мазмунининг мукамаллигига

кўра фарқланади. Фаннинг асосий вазифаси олам ҳодисалари асосидаги қонуниятларни, уларнинг ўзаро боғланиш хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган.

Фан билан биргаликда санъат ҳам олам ҳодисаларининг моҳиятини англаш ва англантишга хизмат қилади. Фақат санъатда оламни ўзлаштириш тарзи ва тамойили ўзига хос тарзда кечади.

Олам ҳодисаларининг ўзаро алоқадорлиги, уларнинг моҳияти, ривожланиш қонуниятларини турли фанлар ўрганади. Масалан, физика – “табиат ҳақидаги умумий фан” бўлиб, “материянинг тузилиши, шакли, хоссалари ва унинг ҳаракатлари ҳамда ўзаро таъсирларининг умумий хусусиятларини ўрганади” [68, 233].

Шу китобда фалсафа ҳақида шундай таъриф берилган: “Фалсафа инсоннинг дунёда тутган ўрни ва дунёқарашининг яхлит тизимини ифодаловчи маънавий фаолиятининг бир шакли” [68, 178]. Физика ҳам, фалсафа ҳам фаннинг айрим тармоқларини ташкил этади. Фаннинг ўзи эса “Дунё ҳақидаги билимлар системаси, ижтимоий онг шаклларида биридир” [68, 182].

Адабиётга берилган таърифларнинг энг оммалашган кўринишларидан бирида “Адабиётшунослик – инсоншуносликдир” дейилади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, инсоншунослик соҳасига йўналтирилган фанлар ҳам оз эмас. Масалан, анатомия, педагогика, психология каби фанлар, асосан, инсонга боғлиқ бўлган ҳодисаларни текшириши билан ажралиб туради.

Санъат ҳам инсон ҳаётининг турли қирраларини акс эттиради, уни тасвирлайди. Мусиқа, тасвирий санъат, рақс, кино, театр, ҳайкалтарошлик ҳаётни акс эттирар экан, бош мақсадни албатта, инсон билан боғлиқ ҳолда шакллантиради. Инсон фақат меҳнат қилиш, ишлаш билан кифояланмайди. Унинг театр томошаларини кўриши, рақсни кузатиши, мусиқа тинглаши, бадий китобни ўқиши ҳам кундалик эҳтиёжлар қаторида туради. Уларнинг барчасида инсон руҳияти туядиган завқ, эстетик ҳузур мавжуд.

Биринчи маротаба ёғоч ёки металлдан иш қуролини яратган ибтидоий одам унинг муайян вазифани тўла ва муносиб тарзда бажаришига яроқлилигидан ташқари, уни ишлатиш ва ушлашга қулайлиги, кўринишининг чиройли бўлиши устида ҳам бош қотирган. Ёки мадраса ва масжидларимизнинг биноларини кузатайлик. Мадрасалар ўқиш–ўқитиш вазифаларини бажариш учун мўлжалланган жой бўлса, масжидлар мусулмонларнинг жамоа бўлиб, номоз ўқийдиган жойи, уларнинг ибодатхоналиридир. Уларнинг муайян вазифа бажаришларидан ташқари кўринишларининг ўзига хос тарзда чиройли, маҳобатли, бошқаларнинг эътиборини тортадиган бўлишларига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Натижада уларнинг жуда катта қисми санъат обидаларига айланган.

Ҳозирда биз уларнинг кўпини ўтмишда яратилган маданий ёдгорликлар қаторида эъзозлаймиз. Термиздаги Чорустун масжиди, Самарқанддаги Бибихоним жоме масжиди, Қўқондаги жоме масжиди, Бухородаги Масжиди калон, Ғазалкентдаги Олимжон жоме масжиди ўзларининг архитектура қурилишига кўра жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келади. Бухородаги Мир Араб мадрасаси, Абдуллахон мадрасаси, Абдулазизхон мадрасаси, Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси, Шердор мадрасаси, Хивадаги Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси, Муҳаммад Амин иноқ мадрасаси, Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси, Бароқхон мадрасаси, Қўқондаги Камол кози мадрасаси эндиликда санъат асарлари сифатида машҳурдир.

Умуман, санъатнинг бошқа турлари ҳам инсонга олам ҳодисаларига эстетик қарашни ўргатади, улардан завқланиш туйғусини ҳосил қилади. Шунга қарамай, уларнинг бирортаси бадиий адабиёт вазифасини бажара олмайди. Бадиий адабиёт инсон ҳаётини бутун мураккаблиги ва яхлитлиги, унга хос бўлган ҳаракати билан тасвирлашга йўналтирилгани жиҳатидан улардан фарқ қилади. Бадиий адабиёт шуғулланмайдиган, унда тасвирлан-майдиган олам ҳодисаларининг, одамга дахлдор бўлган туйғу ва кечинмалар-нинг ўзи йўқ, дейиш мумкин.

Тарих фани дунёнинг ривожланишини, кишилик жамиятининг ўзига хос ривожланиш ҳолатларини, жумладан, урушларнинг характерини, уларнинг сабаб ва оқибатларини тегишли фактларга, фактик материалларга, аниқ ашёвий далилларга қараб илмий тавсифлаб беради. Биз Л.Толстойнинг “Уруш ва тинчлик”, М.А.Шолоховнинг “Инсон тақдири”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Кўк конверт”, “Асрор бобо”, Саид Аҳмаднинг “Уфқ”, Зулфиянинг “Ўғлим, сира бўлмайди уруш”, Эркин Воҳидовнинг “Нидо”, Қўчқор Норқобилнинг “Дарё ортидаги йиғи” сингари асарлари орқали урушнинг ижтимоий-эстетик баҳоси билан танишамиз. Уларда инсон ҳаётининг машъум уруш туфайли ўзи истамаган, ўзи хоҳламаган ўзанларга тушиб кетишини, бундай ўзанларда инсон руҳиятидаги талотумлар, зиддиятлар, кучли ва ожиз томонларнинг фавқулодда катта куч ва аниқликлар билан намоён бўлишини кузатамиз, улардан таъсирланамиз, кўнгилларнинг энг тубларидан чиқиб келаётган оҳу-фарёдларга шерик бўлиб қоламиз, улардаги қаҳрамонлар билан дарддошлик туйғуларини туя бошлаймиз.

Адабиётда ҳаётни тасвирлаш бор. Ҳаёт ҳодисалари ҳақида баҳс юритиш кўпгина фан соҳаларига ҳам тегишли. Аммо адабиётда, умуман, санъат асарларида инсон ҳаёти кенг камровларда, бутун мураккаблиги ва яхлитлиги билан тасвирланади.

Бадиий адабиётда ҳаётнинг ўзини кўргандай бўламиз. Бежиз “адабиёт – ҳаёт ойнаси” дейилмайди. Қўчқор Норқобилнинг “Дарё ортидаги йиғи” қиссаси Афғон уруши

фожеалари тасвирига бағишланган. Биз бу мавзудаги кўплаб тарихий асарларни, мақола ва монографияларни, очеркларни кўрганмиз. Уларда Афғон даҳшати ҳақидаги айрим фикр-мулоҳазалар алоҳида олинган бир воқеалар, фактлар, ҳодисалар воситасида ёритилган. Қиссада эса у бутун одамзод, кишилик жамиятига алоқадор фожеанинг бадий талқини ва тадқиқи сифатида кўзга ташланади.

Урушга борган одам руҳияти қандай бўлади? Унинг ён-атрофида бўлаётган ҳодисаларга муносабати қандай намоён бўлади? Бундан келиб чиқадиган сабоқлар ҳақида нималар дейиш мумкин? Қисса билан танишиб чиққан ўқувчида бу саволларга жавоб ҳам, умуман, китобдаги ҳодисалар тасвирига муносабат ҳам ўзига хос тарзда пайдо бўлади. Умуман олганда, адабиётимизда ҳарбий мавзу анча қадимий тарихга эга. Биз бунинг илдизлари “Авесто” сингари мўътабар ёдгорликларга бориб тақалишини илғаймиз. Ўрхун-Энасой обидаларида ушбу мавзу етакчи мавқе тутаяди. XX аср адабиётида ҳам оддий солдатдан бошлаб то генералгача бўлган бадий образларнинг яратилгани яхши маълум. Кўчкор Норқобил уларга ўз образларини қўшади. Бу образлардаги ҳаётийлик, замонавийлик янгича оҳор ва талқинларда тақдим этилади. Ёзувчи урушда ким ғолиб чиқади? деган саволни жуда жиддий тарзда кўяди ҳамда урушнинг инсоният учун даҳшатли фожеа эканлигини, урушда инсоннинг ҳеч қачон ғолиб бўлолмаслигини бадий тарзда тадқиқ этади. Асарда инсон ҳаётининг қадр-қиммати жуда юксак оҳангларда куйланади, унинг тенгсиз қадрият эканлиги бор овоз билан, қайта-қайта уқтирилади. Ёзувчининг маҳорати шунда-ки, инсондаги ваҳшийлик, агрессивлик ва меҳрибонликнинг ёнма-ён яшаши, ҳаётий шароит тақозосига кўра уларнинг мантисиз урушлар вазиятида фавқулодда ниҳоятда кучли, баъзан даҳшатли тарзда намоён бўлиши ишонарли тилда асослаб берилади.

Бадий адабиётдаги тасвир қўлига қалам олган ёзувчининг инон-ихтиёридаги ҳамма нарсдан ўзи хоҳлаганча фойдаланавериш дегани ҳам эмас. Бу ерда ҳам ўзига хос мезон ва меъёрлар мавжудки, уларга амал қилмаслик адабиёт қоидаларининг бузилишига олиб келади.

Методист олим Қ.Йўлдошев таъкидлаганидек: “Бадий асарларни филологик таҳлил қилишда амал қилиниши зарур талаблардан яна бири санъат ҳодисаларига реал борлиқнинг нусхаси тарзида муносабатда бўлишнинг мумкин эмаслигидир” [26, 83]. Аслида бу адабиётшунослик, умуман, санъат тарихидаги янги гап эмас. Бу фикрни дастлаб Арасту да учратамиз. У ёзади: “Айтилганлардан шу нарса маълум бўладики, шоирнинг вазифаси ҳақиқатан бўлиб ўтган воқеа ҳақида эмас, балки содир бўлиши мумкин бўлган, демак, бўлиши тахмин этилган ё бўлиши зарур бўлган воқеа ҳақида

сўзлашдир. Зеро, тарихчи ва шоир бир-биридан бири вазнли назмда, бошқаси эса насрда ёзиш билан фарқланмайди (Ахир, Геродот асарларини ҳам шеърга солиш мумкин. Бирок унинг асарлари хоҳ назмда, хоҳ насрда бўлсин, барибир, тарихлигича қолаверади). Тарихчи ва шоир шу билан тафовутланадики, уларнинг бири ҳақиқатан бўлган, иккинчиси эса бўлиши мумкин бўлган воқеа ҳақида сўзлайди. Шунинг учун поэзия тарихга қараганда фалсафийроқ ва жиддийроқдир: поэзия кўпроқ умумий, тарих алоҳида воқеаларни тасвирлайди. Поэзияда қандайдир характер эҳтимол ё зарурият туфайли бундай, ёки ундай сўзлаши, ҳаракат қилиши керак. Мана шуни умумлашув дейилади” [17, 32].

Қадимги Римнинг машҳур шоирларидан бири Квинт Гораций Флакк ўзига замондош бўлган йирик зодагонлардан бири – Пизон ва унинг икки ўғлига йўллаган мактубида шеърининг зиммасига юкланган вазифалар ҳақида гапираркан, жумладан, шундай дейди:

“Урф-одатга ва ҳаётга қара, ундан жонли сўз ол!
 Баъзи жойи гўзал, тўғри, лекин асл нафосатдан
 Маҳрум, кучсиз ва санъатсиз оддий турмуш асарлари
 Тамтароқли ва бемаъни пуч шеърларга қараганда,
 Халқни кўпроқ мафтун қилар ва яхшироқ жалб этар” [31, 130].

Гораций бадий асар мазмуни унинг ҳаёт билан уйғунлик даражасига боғлиқ эканлигини, унинг кучли-кучсизлиги эса миллий-маънавий ҳаёт ҳодислари билан алоқадорлигининг тиғизлигидан келиб чиқишини кўрсатмоқда. Демак, ҳаёт ҳодисалари “гўзал, тўғри” бўлишидан ташқари нафосатли ҳам бўлиши зарурдир.

Алишер Навоий “Ҳамса” достонини ёзар экан, ўзидан олдинги ҳамсанависларни ҳаёт ҳодисаларини тасвирлашда ноҳолисликка йўл қўйишда айблайди:

Қисса кўпрак эканни билмадилар,
 Яна истарға саъй қилмадилар.
 Неча навъ ишни қилдилар тақсир,
 Гар тутарсен қулоқ, қилай тақрир.
 Бири буқим, йўқ анда мояи дард,
 Қилдилар ишқ сўзидин ани фард.

Шоир Баҳромда “мойи дард”нинг бўлмаслигини тасвирдаги қусурларнинг биринчиси деб баҳолайди. Баҳромнинг ишқ сўзидан (бу ерда ишқнинг куйдирувчи таъсиридан деган маъно ҳам бор) айрим ҳолда тасвирланиши адиб назарида китобхоннинг тасвирга бўлган ишончини камайтиради, тасвирнинг таъсир кучини йўкотади. Бугина

эмас, тасвир жарёнида яна битта ҳолат мавжудки, у ҳам бадий адабиётнинг ҳаётийлигига путур етказди:

Яна бир буки анда баъзи иш
Зоҳиран номуносабат тушмиш [16, 54].

Хўш, “зоҳиран номуносиб тушган иш” нимадан иборат эди? Адиб Баҳромнинг фақат айш-ишрат суриш учунгина етти қаср қурганлигини мантикқа зид ҳодиса сифатида баҳолайди. Уни Баҳром учун “бўйла тухмат” деб таърифлайди. Унинг бодапарастликка машғул бўлгани, етти қизнинг узлуксиз қисса ва афсоналар айтиш-ларини ҳам ҳаётий ҳақиқат ва бадий мантиқдан четлашиш деб қарайди:

Етти иқлим шоҳидин етти қиз,
Ҳар бири лутфу ҳусни ғоятсиз,
Етти қаср ичига келтурди,
Ком ҳар куни бири била сурди.
Турфа буқим, чу бўлди бодапараст,
Қилди оқшомға тегру ўзни маст.
Уйқу комин олурға мастона
Шўхларға буюрди афсона.
Бу ажабким алар дағи дедилар,
Қиссахон қизлари магар эдилар? [16, 54-55]

Тўғри таъкидланганидек, агар “Тонгдан оқшомға тегру” пайдар-пай қадахни тўлдириб май ичадиган бўлса, унинг уйқуси учун яна афсонага ҳожат қоладими? Бундай гўзал қизларга афсоналар айтишни буюриш ҳам мумкин деб ҳисоблайлик, бунга ҳам ажабланмай тура қолайлик, дейди Навоий, энг ажабланарлисиз шуки, улар афсона айт, дейилганидан кейин бирданига афсонани бошлаб юборишаверади. Наҳотки уларнинг барчаси қиссахонларнинг қизлари бўлишган бўлса?! Тасвирда ростгўйлик қилиш ижоднинг бош йўналиши бўлиши керак, - дейди Навоий.

«Агар фан деганда, билимларнинг фақат схемаларини эмас, унда яширинган фикрни англаш тушунилса, шеърият ва фан тенг-ўхшашдир. Шеърият ва фан қалбимизга хос қандайдир қобилият бўлганлиги учунгина эмас, балки “ақл” сўзида ифодаланган рухий борлиғимизни бутун тўлаллиги билан англатишга кўра муштаракдир. Бу жиҳатдан улар идрок ва эҳтимол тасаввурдан бошқа ҳеч нарса талаб қилмайдиган “аниқ” деб аталмиш фанлардан кескин ажралиб туради. Жуда ақлли одам бўла туриб, поэзияни тушунмаслик, уни сафсатабозлик, бекорчи ва эси паст кишиларнинг кўнглини олиш учун хизмат қиладиган қофиябозлик шақилдоғи ҳисоблаш мумкин; лекин ўзида бирор

нарсанинг, масалан, математиканинг маъносини англай олиш имкониятини ҳис этмаган ва бу борада қаттиқ меҳнат эвазига озми-кўпми ютукқа эришмаганни ақлли одам дейиш мумкин эмас. Ақлли, ҳатто жуда ақлли одам бўла туриб, “Илиада”нинг, “Макбет”нинг ёки Пушкиннинг лирик шеърларининг нимаси яхшилигини тушунмаслик мумкин; аммо икки карра икки тўрт бўлишини ёки параллел чизик ниҳоясиз давом эттирилганида ҳам ҳеч қачон кесишмаслигини билмаган - ақлли одам бўлолмайди. “Аниқ” ҳақиқатлар дейилганда, авваламбор, инсониятни ҳайвонотдан ажратиб турувчи - эс-хушга эга ҳар бир одамга аён ва шубҳасиз бўлган ҳақиқатлар тушунилади. Шу жиҳатдан юксак маънодаги фан - фалсафа билан шеърият, такрор айтаманки, тенг ҳуқуқлидир. Унисини ҳам, бунисини ҳам, ҳатто кўринишдан “аниқ” нарсалардан баравар узоқдир” [57, 12].

Адабиётда оламни билишнинг ўзига хос усуллари мавжуд. Бу санъат тили билан, адабиёт тили билан амалга оширилади. Саҳна асарлари ижрочилари ҳақида гапириб туриб машҳур психолог олим Виготский: “Актёрнинг руҳияти тарихий ва синфий категориядир... Актёрнинг кечинмалари, унинг ҳаёти, унинг шахсий руҳий ҳаётининг вазифалари сифатида эмас, балки объектив ижтимоий маъно ва аҳамиятга эга бўлган ҳодиса сифатида намоён бўлади ҳамда руҳиятдан мафкурага ўтиш босқичи вазифасини адо этади” [57, 221], деган эди.

Олимнинг ушбу фикрлари бизга санъатнинг, жумладан, адабиётнинг ҳам ижтимоий-эстетик вазифасини теранроқ тушунишимизга ёрдам беради. Санъатнинг жамият орасида тутган мавқеи жуда катта. Унинг алоҳида олинган аниқ бир инсон учун ўйнайдиган роли ва аҳамияти ҳам шу билан белгиланади. Инсон ижтимоий-тарихий феномен сифатида ижтимоий-эстетик ҳодисаларга бефарқ бўла олмайди, демак, ҳар қандай ижтимоий-эстетик ҳодисалар инсон ҳаёти учун ҳам бевосита дахлдордир.

Гомернинг “Илиада”, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Шекспирнинг “Қирол Лир”, Навоийнинг “Хамса”, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асарлари турли даврларда, турли мамлакатларда, турли муаллифлар томонидан ёзилган. Шунга қарамай, улар барча авлодлар томонидан бир хилда завқ-шавқ ва катта муҳаббат билан ўқилади. Улар барчага баробар бадиий ҳузур бағишлайди, уларда тасвирланган ҳаёт ҳодисалари ўзига хос ўлчов бирликлари сифатида тасаввур этилади.

Оламни бадиий идрок этишнинг ўзига хос қонуниятлари мавжуд. Бу биринчи навбатда бадиий мазмун ва бадиий шакл муносабатларидан бошланади. Адабиётдаги шакл мазмун қамрови билан ўзига хослик касб этади. Бу ерда мазмунни шаклсиз, шаклни мазмунсиз тасаввур этишнинг ўзи мумкин эмас.

Адабиётни кўпинча образлилик ва рамзийлик билан алоқалантиришади. Бу маълум маъноларда тўғри фикр. Аммо уни фақат шундангина иборат дейиш масаланинг моҳиятини тўғри тасаввур этишга халақит беради. Оддийгина бир мисол келтирайлик: кўчада рамзларнинг хилма-хил шаклларига жуда кўп марта дуч келамиз. Йўл ҳаракати белгилари бунинг ҳамма учун осон тушуни-ладиган намунаси бўла олади. Учбурчак ичига олинган турли белгилар бизни муайян ҳодисалардан огоҳлантиради. Унинг ичида-ги паровоз расми шлагбаумсиз темир йўл кесишмаси яқинлашгани ҳақида ахборот берса, учбурчак ичидаги кўл ушлашиб ҳаракатланаётган иккита боланинг расми йўлдан боларнинг тез-тез ўтиб туриши мумкинлиги ҳақидаги маълумотни етказди. Ёки думалок шаклдаги қизил ранг орасидаги «ғишт» транспорт ҳаракатининг таъқиқланишини билдиради. Думалок шаклнинг кўкиш фондаги тасвирлари эса муайян ҳаракатларни амалга ошириш учун кўрсатма бериши билан ажралиб туради. Масалан, унда юриб кетаётган одам тасвири пиёдалар йўлкаси мавжудлигини, пиёдаларнинг айнан мана шу йўлда ҳаракатланишини таъкидлаб туради.

Ҳаётда ҳам бундай рамзлар хилма-хил шаклларда мавжуд. Масалан, айрим касб-хунар эгаларининг ташқи кўринишлари – кийимларида шу соҳага алоқадорликни сездириб турадиган белгилар бор: харбийлар, ички ишлар ходимлари, тиббиёт ходимлари, автоназоратчилар, йўл ходимлари, ўрмончилар, темир йўлчилар бунинг ёрқин намунасидир. Шунингдек, айрим урф-одатлар, маросимлар ҳам ташқи ифода кўрсаткичларига эга бўлиши мумкин: бизда – ўзбекларда бошдан – оёқ қора ёки кўк кийимлар, ёхуд фақат шу рангдаги рўмолнинг ўзи ҳам мотамга дахлдорликни англатади.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Аммо биз уларнинг бирортасини санъат асари сифатида баҳоламаймиз. Улардан завқ ва ҳузур туймаймиз. Демак, рамзийликнинг ўзи ҳали бадиийлик дегани эмас экан. Худди шунингдек, бадиий адабиёт ҳам оламни билишнинг воситаси экан, уни фан билан қориштирмаслик керак. Фан оламни билишнинг илмий йўллари кўрсатади. Адабиёт эса оламни билишнинг махсус, ўзига хос усулидир. Фан, одатда, категориялар, тушунчалар билан иш кўради, бадиий адабиётда эса уларнинг вазифасини мутлақо бошқа ҳодисалар адо этади. Тўғри, фан ҳам, адабиёт ҳам инсонга маърифий билимларни бера олади. Аммо адабиёт воситасида маърифий билимларни ўзлаштириш мутлақо ўзига хосдир. Бу ерда билишдан кўра кўпроқ ҳис этиш устуворлик қилади.

1.2. Бадий-маърифий асарларнинг ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришдаги имкониятлари

Тафаккурни мустақиллик талабларига ҳамда ҳозирги ахборотлар технологияси ҳаётнинг барча соҳаларига шиддат билан кириб келаётган, бутун дунёда глобаллашув тенденциялари кучайиб бораётган давр талабларига мослаштирмасдан туриб, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий-маърифий ислохотларни юқори суръатларда ва муваффақиятли давом эттириш мушкул. Бундан ташқари, йилдан-йилга кучаётган рақобат, баъзи давлатларнинг жуғрофий-сиёсий хуружи ва мафкуравий тазйиқлари, ахборотлар хуружи, диний-экстремистик ташвиқотларнинг сусаймаётганлиги нафақат миллий мустақилликни, ҳатто миллий айниятни муҳофаза қилишни долзарб масалага айлантирмоқда. Аҳолининг муайян қисми, айниқса, тажрибасиз ёшлар турли сохта шиорлар, чақириқлар, халқимизга ёт, бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш учун аввало, уларни мустақил, танқидий, эркин фикрлашга ўргатиш, улар тафаккурини ижобий мазмундаги бунёдкорликка йўналтириш лозим. Фақат эркин ва мустақил, танқидий ва ижодий фикрлай оладиган кишилардагина мутаассибликка, турли бузғунчи ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитет осон вужудга келади [66, 5-6]. Президент Ислон Каримов “Тафаккур” журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларида Республикамизда мустақиллик йилларида ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш миллий моделининг хусусиятларига тўхталиб ўтганда, янги моделнинг энг асосий жиҳати мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келиши эканлигини қуйидагича таъкидлаб ўтади: “Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг кадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча – ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан, онгли тарзда, озод ва хур фикрли инсон бўлиб яшайди” [66, 5-6].

Демак, жамиятни демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш педагогика фани олдида юксак вазифаларни шарт қилиб қўяди. Ана шундай вазифалардан бири ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришдир. Айнан ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш орқали демократик ва инсонпарвар жамият учун асосий кадрият саналган “жамият ҳаётида фаол иштирок этиш”, “хамкорлик”,

“индивидуаллаштириш”, “онгли интизом”, “толерантлик”, “кадр-қиммат”, “эркинлик” каби тушунчалар ҳаётда ўз амалий тасдиғини топади.

Фикрлаш – ақлий фаолият маҳсули. Энг асосийси, фикрлаш – меросий тушунча, у барча инсонларга хос. Фалсафий, педагогик, психологик адабиётларда фикрлашнинг бир канча турлари ажратиб кўрсатилади. Ҳар бири ўзининг тадқиқот объектидан келиб чиққан ҳолда қайси бирларини асосий деб қарашга мойилдирлар. Жумладан, фалсафий, психологик, педагогик луғатларда фикрлашнинг қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилади: мантикий, абстракт (мавҳум), умумлашган, назарий, техник, репродуктив, ижодий (продуктив), тизимли, категориал, индуктив, дедуктив, алгоритмик, танқидий ва бошқалар.

Бироқ ҳеч бирида “Мустақил фикрлаш нима?” деган саволга жавоб мавжуд эмас ва ҳатто, фикрлаш турлари қаторига киритилмайди. Чет эл даврий нашрлари, педагогик ва психологик адабиётларида ҳам мазкур тушунчанинг мукамал таърифи кўзга ташланмайди. Республикамизда ҳам «мустақил фикрлаш» тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” нутқида биринчи бор эътироф этилган. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, айнан “мустақил фикрлаш” жаҳон миқёсида Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасининг қадриятли йўналишини ўзида акс эттиради.

Миллий педагогикамизда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилингунига қадар, “ўқувчиларнинг мустақиллиги”, “тафаккурнинг мустақиллиги”, “билиш фаолияти мустақиллиги” каби тушунчалар кенг қўлланилган. 1997 йилдан сўнг Республикамизда чоп этилаётган педагогик даврий нашрлар (“Халқ таълими”, “Узлуксиз таълим”, “Педагогик таълим”, “Мактаб ва ҳаёт” журналлари, “Маърифат” газетаси ва бошқалар)да мустақил фикрлаш ва ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш масаласига кенг эътибор қаратилди.

Замонавий миллий психологиямизда биринчилардан бўлиб мустақил фикрлаш муаммосини ижодийлик билан боғлиқликда тадқиқ этган олима З.Т.Нишонова бўлиб, у ўзининг “Мустақил ижодий фикрлашни ривожлантиришнинг психологик асослари” мавзусидаги докторлик диссертациясида мустақил фикрлаш ижтимоий психологик омиллар билан боғлиқ бўлган шахс хислати эканлигини асослаб берган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари доирасида ўсмир ва ўспиринларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг ижтимоий психологик ва ақлий омиллари маҳсул психологик тренинг дастури ёрдамида ўрганилган. Тадқиқот асосида Ўзбекистон шароитида ўспиринларнинг

Ўзидаги “психологик муҳофазани” енгиб, ўзгалар даврасида эркин, ностандарт тарзда ўз фикрларини тортинмай баён эта олишлари уларда ижодий мустақил фикрлашни янада ривожлантирувчи омил эканлиги исботланган.

Мазкур тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, тажриба ва машғулотларда олинган натижалар таълим технологияларини такомиллаштиришда, ўқувчи билан ўқитувчи фикрлаш жараёнларининг уйғунлиги, “субъект-субъект” тарзидаги муносабатларнинг асл моҳиятини тушунган ҳолда, эркин фикрловчи шахс муаммоси концепциясини яратишда алоҳида аҳамиятга эгалигидир.

Психолог З.Т.Нишонова ўзи олиб борган тадқиқотлари натижасини умумлаштириб, мустақил фикрлашни ижтимоий ҳодиса сифатида қуйидагича очиб беради: “Мустақил фикрлаш – инсоннинг бевосита ўзига ва ўзгаларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлган, унинг ташқи ижтимоий муҳитнинг турли таъсирларига нисбатан фикр-ўйлари воситасида қаршилик кўрсатиш ва ўз фикрини баён этиш қобилиятидир” [39, 114]. Бироқ мустақил фикрлаш фақатгина турли таъсирларга нисбатан фикр-ўйлари воситасида қаршилик кўрсатиш ва ўз фикрини баён этишнигина эмас, юзага келган муаммога жавоб топиш асносида ўқувчи янги гипотезаларни ўйлаб топишини ҳам қамраб олиши таърифда акс этмайди.

Ш.Нуруллаева эса, “Бошланғич синф она тили дарсларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш методикаси” мавзусидаги илмий тадқиқот ишида “мустақил тафаккур”, “тафаккурнинг мустақиллиги”, “мустақил фикрлаш” тушунчаларини аралаштирган ҳолатда фойдаланади. Унинг фикрича, “мустақил фикрлаш шахснинг шундай қобилиятики, бу жараёнда инсон нарса ва ҳодисалар хусусида ўз қарашларига эга бўлади. Мустақил фикрлаш – бу инсон сезги органлари ва ақлий фаолиятнинг бирлиги натижаси ўлароқ, мустақил равишда таҳлил қилиш, умумлаштириш, индуктив ва дедуктив хулосалар чиқариш, таққослаш, аниқлаштириш, мавҳумлаштириш каби фикрий амаллардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган ақлий фаолиятдир” [43, 8]. Тадқиқотчи мустақил фикрлаш тушунчасининг анча мукамал таърифини беришга ҳаракат қилган. Бироқ таърифда қандай ёндашув асосида шахс воқеа-ҳодисани таҳлил қилиши, умумлаштириши, индуктив ва дедуктив хулосалар чиқариши, таққослаши, аниқлаштириши, мавҳумлаштириши масаласи ўз аксини топмаган. Ваҳоланки, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, шахснинг эркинлиги, ташаббускорлиги, воқеа-ҳодисаларга шунчаки эмас, танқидий ёндашиш, ижодий фикр юритиш орқалигина Ш.Нуруллаева таъкидлаб ўтган ақлий фаолият амалга оширилиши мумкин. Муаллифнинг уларни яхлит


ходиса сифатида кўра олмаганлиги таърифда бир оз аниқликнинг етишмаслигига сабаб бўлган.

Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш муаммоси устида тадқиқотлар олиб борган педагог олима Қ.Хусанбоева инсон тафаккури таҳлилига бағишланган қатор адабиётлар ва ўз кузатишларига асосланиб, мустақил фикрлашга куйидагича таъриф берган: “Мустақил фикрлаш инсоннинг ўз олдида турган муаммони аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаган ҳолда билими ҳамда ҳаётий тажрибаларига таяниб, интеллектуал имконияти даражасида турли йўл, усул, воситалар ёрдамида мустақил равишда ҳал қилишга йўналтирилган ақлий фаолиятдир” [73, 13]. Муаллиф мустақил фикрлашга таъриф беришда ўқувчининг билими ва ҳаётий тажрибасини асос сифатида қараган. Ҳақиқатан ҳам, билимлар захираси ва ҳаётий тажрибани ўқувчининг мустақил фикрлаш даражасини аниқловчи муҳим мезон сифатида қабул қилиш тўғри бўлади.

Б.Ходжаев ўзининг “Умумтаълим мактаби ўқувчиларининг мустақил фикрлашини шакллантиришнинг дидактик асослари (5-7-синф тарих дарслари мисолида)” мавзусидаги номзодлик диссертациясида мустақил фикрлашни шакллантиришга таъсир этувчи омилларни яхлит ёндашув асосида очиб берган.

Тадқиқотда ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи асосий – физиологик, психологик, ижтимоий ва педагогик омиллар ҳамда маҳсус – методик омиллар, уларнинг ривожланишига олиб келувчи «маҳсулдор сабаблар» алоҳида-алоҳида ўрганилган.

Мустақил фикрлашни шакллантиришга педагогик жиҳатдан таъсир кўрсатувчи маҳсулдор сабабларни тўртта умумий омилга ажратиш мумкин: фанларнинг ўқув-услубий мажмуалар билан таъминланганлиги; мустақил фикрлашни шакллантириш жараёнининг таркибий қисми сифатида юзага чиқувчи синф хонасининг моддий-техник таъминоти; билимлар захираси ҳамда ўқитувчи шахси ва педагогик фаолияти.



2.1.1-расм. Мустақил фикрлашни шакллантиришга таъсир кўрсатувчи педагогик омиллар (Б.Х.Ходжаев таснифи бўйича)¹

Муаллифнинг фикрича, мустақил фикрлашни шакллантиришга таъсир этувчи омиллар яхлит кўринишга эга бўлиб, тадрижий тавсифга эгадир. Яъни мазкур жараёнга таъсир этувчи маҳсулдор сабабларнинг тўпланиб бориши, уларнинг табақалашуви, таъсир доираси уларни умумий омиллар тарзида жамлашга имкон беради. Мустақил фикрлашни шакллантиришга таъсир этувчи омилларни билиш ва уларнинг таъсир этиш даражасини баҳолай олиш ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини муваффақиятли шакллантиришга кенг имкон яратади.

Фикрлаш билан боғлиқ адабиётларни ўрганиш натижасида мустақил фикрлашни ижодий ва танқидий фикрлаш билан чамбарчас боғлиқ ва алоқадорликда эканлигига амин бўлдик.

Мустақил фикрлаш – бу инсоннинг муаммони, уни ҳал қилиш йўлларини ўзи кўра олиши ва унга мустақил жавоб топа олиш қобилиятидир. Мустақил фикр тайёр мулоҳазаларга, бошқаларнинг фикрларига қарам бўлиб қолмайди. У воқеликни билишга ижодий ёндашади ва уни ўрганишнинг янги йўлларини излаб топади. Мустақил фикрлаш фикрнинг танқидийлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, шахс ижодий фаоллигининг муҳим қиррасини ўзида акс эттиради.

Замонавий шароитда Ўзбекистонда бадиий педагогика жадаллик билан ривожланиб, мазкур бадиий-маърифий асарларнинг яратилишида айниқса, Ўткир Ҳошимов, Тоҳир Малик ва Турсуной Содиковалар катта ҳисса қўшишди. Қуйида

¹ Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўқувчиларининг мустақил фикрлашини шакллантиришнинг дидактик асослари (5-7-синф тарих дарслари мисолида): Педагогика фанлари номзоди. ...дисс.Автореф. – Т., 2009. – Б.12.

уларнинг бадий-маърифий асарлари ва уларнинг ўзига хосликлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Ўткир Ҳошимов томонидан яратилган бадий-маърифий асарлар орасида “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” рисоласи Ўзбекистонда бадий педагогика ривожининг чўққисини забт этди, десак хато бўлмайди. Чунки адибнинг мазкур китоби 2000 йилдан бугунги кунгача қайта-қайта нашр қилиб келинмоқда.

Китоб муаллифнинг қуйидаги кириш сўзлари билан бошланган: “Азиз ўқувчим! Бу китобни ёза бошлаганимга қирқ йилдан ошди. Булар – менинг Кузатувларим. Ўйларим. Бир қадар армонли, бир қадар истехзоли, бир қадар табассумли Хулосаларим...” Аслида уларнинг ҳар бирини алоҳида асар қилса ҳам бўларди-ку, майли... Мен буларни узоқ, жуда узоқ ўйлаб ёзганман. Илтимос сиз ҳам китобни шошилмасдан, ўйлаб ўқисангиз...

Тагин бир гап. Баъзи кузатувлар остига ёзилган санаси таъкидлаб қўйилган. Сабаби – улар Ватанимиз бошига оғир кулфат – “ўзбек иши”, “пахта иши” деган қатағон ёғилган кезлари ёзилган. Бу гапларни ўша пайтда эълон қилиш мумкин эмас эди. Яратганга шукр, юртимиз Мустақилликка эришди. Шўро замонининг баъзи “ҳунар”ларини эслаб қўйиш бугунги кунимизни кадрлашга хизмат қилади, деб ўйлайман [72, 4].

Асар олти бўлимни ўз ичига олади; “Табиат. Жамият. Инсон”, “Фарзандларимга ўғитлар”, “Урушлар ҳақида”, “Болалик – пошшолик”, “Саккизинчи мўъжиза”, “Табассумга мойил гаплар”.

Асарнинг энг муҳим бўлими “Табиат. Жамият. Инсон” бўлиmidир. “Табиат. Жамият. Инсон” бўлимида қуйидаги қатра ва ҳикояларни ўз ичига олади: “Тақдири азал”, “Девонаи ҳақгўй”, “Миллий ғурур”, “Дарвинга эътироз”, “Муножот”, “Ўқинч”, “Энг ақлли жонивор”, “Табиат гултожи”, “Билимдон”, “Чегара”, “Йигирманчи аср”, “Худбин”, “Хавфли одам”, “Инсон ва шайтон”, “Аёл қалби”, “Ёқимли душман”, “Салтанат”, “Ҳамма бой бўлсин!”, “Тўдак иси”, “Оталар ва болалар”, “Андиша”, “Ноҳиллик”, “Ҳақиқат”, “Ишонч, орзу, умид, илинж”, “Камол ва завол”, “Пул”, “Қалдирғоч”, “Атлантика океани устида”, “Ошкоралик”, “Катализатор”, “Дебоча”, “Кулги ва йиғи”, “Қуш уясида кўрганини.....”, “Эврилиш”, “Ҳушёр бўлинг”, “Сопол ва олтин”, “Юк кўтарган...”, “Дуо ва қарғиш”, “Маслаҳат ва насихат”, “Инсоф ва иймон”, “Гумроҳ бандалар”, “Маймуният”, “Бахтли ва бахтсиз”, “Даъво”, ““Даҳо” экансиз!”, “Белги”, “Худонинг қудрати”, “Лайлак”, “Тарих “хатоси””, “Умр”, “Кучсизники – кучли”, “Товуқ”, “Оқ ва қора”, “Ақл ва туйғу”, “Дил ва тил”, “Уят”, “Эволюция”, ““Гиргиттон” буви”нинг япон невараси”, “Таскин”, “Фаришталар”, “Энг олий туйғу”, “Тарнов”, “Инсон”, “ “Отчопар”да”, “Олий ҳакам”, “Антиқа китоб”, “Ақл тиши”, “Меҳр ва макр”, “Хатар”, “Мустамлакчилар орзуси”, “Сукут

– олтин”, “Охири қандай бўларкин?”, “Рост ва ёлғон”, “Хом сут эмган”, “Гуноҳи азим”, “Қисмат”. “Офтоб”, “Орол ва қитъа”, “Баҳо”, “Содда фалсафа”, “Мўътабар зот”, “Тош ва кум”, “Бош айбдор”, “Донишманд”, “Мақтов”, “Дуо қилишни биладиган одам”, “Тўла ва чала”, “Умр китоби”, “Ниятинг – йўлдошинг”, “Юкнинг оғири”, “Сукрот саволи”, “Ўз уйинг”, “Олдиндан оққан сув”, “Ифтихор”, “Мунофиқ”, “Ўзбек иши”, “Нигилист”, “Она тили”, “Ўжар”, “Бекорчилик”, “Афсона”, “Иноқлик”, “Ўртадаги одам”, “Ўртадаги одам”, “Тескари ҳақиқат”, “Туғилмасдан то ...”, “Ҳар ким ўз аравасини тортса...”, “Савоб ва гуноҳ”, “Алдов”, “Меҳр”, “Компьютер”, “Йўқчилик ва тўқчилик”, “Мангу ҳақиқат”, “Тонг ва шом”, “Асл айнимас”, “Куч ва адолат”, “Яхшилик ва ёмонлик”, “Севги”, “Олий жазо”, “Туш”, “Ҳалол ва ҳаром”, “Одат”, “Ҳақиқат синмайди...ми?”, “Ёмонларни асранг”, “Боевик”, “Бурч”, “Мушук”, “Олим ва шоир”, “Бозор иқтисоди”, “Тебранма дунё”, “Олмалар”, “Ақл ва юрак”, “Оила”, “Аёл ва заковати”, “Пахтакор”, “Умр ва ҳаёт”, “Боладек содда”, “Ҳасад балоси”, “Капалак ва тошбақа”, “Кўнгил”, “Тортиш кучи”, “Қоида”, “Чархпалак”, “Менталитет”, “Бир мажлис ҳангомаси”, “Сабот”, “Неофашистлар”, “Якдиллик”, “Дардман хулосаси”, “Пролетариат хулосаси” кабилар.

Мазкур бўлимдаги қатра ва ҳикояларни тарбиявий аҳамиятига кўра бир неча гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) тарихий онгни шаклантиришга доир;
- 2) миллий ғурур ва ифтихор туйғусини шаклантиришга доир;
- 3) ҳаёт мазмунини англашга доир;
- 4) оила тарбияси билан боғлиқ;
- 5) ахлоқий фазилатларни шаклантириш билан боғлиқ қатра ва ҳикоялар.

Қуйида уларнинг ҳар бирига асардан мисоллар келтириб ўтамиз:

1. Тарихий онгни шаклантириш билан боғлиқ ҳикоя.

“Йигирманчи аср”.

Йигирманчи асрда сил, безгак, чечак каби бедаво дардларга шифо топилди ва миллионлаб инсонлар ҳаёти сақлаб қолинди. Йигирманчи асрда “спид” деган бедаво дард пайдо бўлди ва миллионлаб инсонлар ҳаёти хавф остида қолди.

Йигирманчи асрда даҳрийлар тузуми барҳам топди ва миллионлаб инсонлар иймон сари юз тутди. Йигирманчи асрда диний экстремизм авж олди ва миллионлаб инсонлар ҳаётига қутку солди.

Йигирманчи асрда мустамлакачиликка чек қўйилди ва миллионлаб инсонлар хурликка чиқди. Йигирманчи асрда фашизм ва тоталитаризм авж олди. Миллионлаб инсонлар Гитлер ва Сталин қамқоналарида қурбон бўлди.

Йигирманчи асрда “учар гиламлар”, “ойинаижаҳонлар”, компьютерлар кашф этилди ва миллионлаб инсонлар уларнинг хизмиатидан баҳраманд бўлди. Йигирманчи асрда икки дафъа жаҳон уруши рўй берди ва миллионлаб инсонларнинг ёстиғи қуриди.

Йигирманчи асрда самовий кемалар яратилди ва инсон қадами Ойга етди. Йигирманчи асрда миллионлаб инсонларни кириб ташловчи ядро қуроли ўйлаб топилди ва синовдан “муваффақият билан” ўтди....

Йигирманчи аср инсон нодон ва гуноҳкор банда эканини кўрсатди [72, 8-9].

2. Миллий ғурур ва ифтихор туйғусини шакллантиришга доир қатра ва ҳикоя.

Миллий ғурур.

Миллий ғурур – миллатчилик эмас. Миллий ғурури бор одам бағри кенг бўлади. Ўз миллати билан фахрланади, аммо ўзга миллатни камситмайди.

Миллатчилик – миллий ғурур эмас. Миллатчининг феъли тор бўлади. Нуқул ўз миллатини улуғлаб, ўзга миллатни камситади [72, 5].

Ифтихор.

Бир гал анча олис сафарга чиқишга тўғри келди. Аввал Германияга учдик. Ундан Америкага. Сўнг Швейцарияга. Кейин Англияга.

Ниҳоят Лондондан Тошкентга учадиган бўлдик. Ҳаво кемасига чиқишимиз билан осойишта ва ёқимли овоз янгради: “Ассалому алайкум, хонимлар ва жаноблар! Сизларни “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси номидан муборакбод этамиз!”. Ростини айтсам, кўзимдан ёш чиқиб кетди. Бу сўзлар менинг тилимда, она тилимда жаранглади! Ватанимдан минглаб чақирим нарида, тагин юзлаб хорижий йўловчилар ўтирган кемада!..

Аслида мана шу ҳолатнинг ўзи учун Истиклолга минг бора таъзим қилишга тайёрман! [72, 39-40].

3. Ҳаёт мазмунини англашга доир ҳикоя.

Умр ва ҳаёт.

Бир сайёҳ қайси юртга борса, аввал бозорини, кейин мазорини айланар экан. Бозорга кириб, ўша мамлакатнинг моддий бойлигига, қабристонни зиёрат қилиб, маънавий бойлигига баҳо бераркан. Бир мамлакатга борибди. Бозор айланиб, юрт маъмурчиликда яшаётганига тан берибди. Қабристонга кириб ғалати манзарани кўрибди. Ҳар бир қабр тепасида тош лавҳа бор эмиш. Лавҳага ғалати сўзлар битилганмиш. “Фалончи етмиш йил умр кўрди ва саккиз йил яшади”. “Пистончи эллик йил умр кўрди ва ўн тўрт йил яшади”. “Бу инсон етмиш тўққиз йил умр кўрди ва... бир йил ҳам яшамади”.

Сайёҳ бу не синоатлигини сўраган экан, тушунтириб беришибди:

- Умр – бу Худо берган умр. Бировники кўпроқ бўлади. Бировники камроқ. Яшаш деганда биз бошқа нарсани тушунамиз. Марҳумни тупроққа топшираётганда аҳли жамоани тўплаб, “фалончи қанча яшади” деб сўраймиз. Марҳум умрининг қанчаси мазмунли ўтганини сўраб чиқамиз. Қанча фурсат савобли иш қилгани. Қанча муддат яхши амаллар бажаргани. Шодумон даслари қанча бўлгани... Бировники кўпроқ чиқади, бировники – камроқ...

... Албатта, бу бир афсона. Бироқ ер юзида чиндан ҳам шундай мамлакат бор бўлса, шубҳасиз, бу – донолар мамлакатидир! [72, 60-61].

4. Оила тарбияси билан боғлиқ қатра ва ҳикоя.

Оила.

Оилани муқаддас билмаган инсонлар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ [72, 58].

Байрам чечаклари.

Бугун байрам. Кўчалар гавжум. Шўх-шўх куйлар янграйди. Гурас-гурас одамлар ўтади. Ўйин-кулги, шодон шовқин баҳор осмонини титратади.

Шундоққина йўлка чеккасида ўтириб олган болакай овози борича ҳайқиради:

- Гул! Кеп колинглар, гул! Атиргул. Байрам гуллари!

Унинг олдидаги бир сават гул қуёш парчасидек товланади.

Гуллар ҳар хил: оқ, қизил, пушти...

Одамлар келиб гул олишади.

Нарироқда тўнкарилган эски пакир устида ўтириб, редиска сотаётган хотин ора-чира болага танбех бериб, қўяди:

- Издачисини бердингми, Аъзам? Пулингга эҳтиёт бўл!

Болакай ҳамон ҳайқиради:

- Келинлар! Гул олинглар. Гул!

... Болалик йилларимни эслайман. Тўрт ака-ука эдик. Дадам ҳаммамизни баравар кийинтира олмагани учун, байрамга биримизга янги дўппи, биримизга ботинка, яна биримизга кўйлак совға қиларди. Биз байрам келишини орзиқиб кутар, шунгача янги кийимларимизни ҳар кун бир-биримизга кўз-кўз қилар, аммо киймас эдик.

Байрам куни шаҳар тушардик. Гўё ҳамма бизнинг янги дўппимизга, кўйлагимизга ҳавас билан қараётгандек туюларди.

.. Бугун байрам. Одамлар гурас ўтади. Чиройли кийинган болалар шовқин солиб югуришади.

Гулчи болакай ҳамон кичкиради:

- Гул олинглар, гул!

Бояги хотин яна танбех беради:

- Пулингга қара, пулингга!

Бугун байрам. Қара, ҳаммаёқ байрам! Сен қачон байрам қиласан, болажон?! Ҳой пул жонингни олгур хотин, айт, у қачон байрам қилади?! [72, 78-79].

5. Ахлоқий фазилатларни шакллантириш билан боғлиқ катра ва ҳикоялар.

Инсон ва иймон.

Одам ўз манфаатига мос келиш-келмаслигидан қатъий назар эзгу амалларни бажарса ва қилиш мумкин бўлмаган ишлардан тийилса, инсофли бўлади. Бунинг учун у мукофот олмаслиги мумкин. Аммо иймон тўқис бўлади. Шу боисдан бундай инсонни иймонли дейдилар.

Одам эзгу амаллардан манфаат тополмагани учун улардан воз кечса ва қилиш мумкин бўлмаган ишларни қилса, ноинсоф бўлади. Бунинг учун у жазоланмаслиги мумкин. Аммо иймонга шикаст етади. Шу боисдан бундайларни иймонсиз дейдилар.

Иймонсизлик эса қабоҳатлар учун дарвозани ланг очиб қўйиш билан тенг!

Инсоф – иймон дарвозасининг посбонидир! [72, 16-17].

Чегара.

Одамзот нима учун кафтдек ҳовлисига гул экади? Ундан кўра шолғом экса, қозонига тушади-ку.

Одамзот нима учун булбул чах-чаҳини эшитганда энтикиб кетади? Ундан кўра булбулни шўрвага солиб пиширса, нафсини қондиради-ку.

Одамзот нима учун осмонда чарақлаб ётган юлдузларни кўриб, кўнгли завққа тўлади? Юлдузлар унинг ҳамёнидаги тиллалар эмас-ку.

Одамзот нима учун китоб ўқиётиб, суюкли қаҳрамони ўлиб қолса йиғлайди? Уни ёзувчи “ичидан тўқиб чиқаргани”ни билади-ку?

Одамзот нима учун ўзга юртларга бориб беҳисоб мол-дунё орттирсаю, иттифоқо болалиги кечган кулбаси тушига кириб қолса, туни билан йиғлаб чиқади? Ахир у шоҳона қасрда яшайди-ку.

Одамзот нима учун боласининг бошида алла айтади? Гўдак алла эшитмаса ухламайдими?

Одамзот нима учун неварасини етаклаб, неча замон аввал ўтиб кетган бобосининг қабрини зиёрат қилади? Марҳум уларни кўрмайди-ку?!

Гап шундаки, Одамзотни ҳайвонотдан ажратиб турадиган чегара бор. Бу чегаранинг номи Маънавият деб аталади! [72, 7-8].

Машхур адиб Мирзакалон Исмоилийнинг жияни Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик ҳам сўнги йилларда қатор “Алвидо болалик”, “Чархпалак”, “Шайтанат” детектив асарлари билан бирга “Келинлар дафтарига” бадиий-маърифий асарини яратди. Мазкур асар ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Мирзакалон Исмоилий томонидан яратилган “Қизлар дафтарига” деб аталган “Ўн бир оқшом ҳикояти”нинг мантиқий давоми десак, хато бўлмайди.

Адибнинг таъкидлашича, “Қизларимиз кундалик дафтар тутишни яхши кўришади. Аммо бу яхши одатни турмушга чиққач тўхтатишади. Эҳтимол уялишар, балки эрлари рухсат беришмас. Лекин келинларнинг ўзларига хос бир дафтарлари бўлгани дуруст. Унга ҳаётга доир турли ҳикматларни, йўл-йўриқларни ёзиб боришса маъқул бир иш бўларди. Чунки суюкли келинларимиз орасида қайнота ёки қайнона кириб келганда телевизордан кўз узиб, ўрнидан туриб қаршилаш шартлигини билмайдиганлар ҳам, ариққа ахлат ташлашнинг гуноҳ эканлигини англамайдиганлар ҳам, сергаплик киши қадрини кетказишига аҳамият бермайдиганлар ҳам учрайди. Тавсия этилаётган рисолада шу каби хулқ ва фазилятлар ҳақида фикр юритилади” [55, 4].

“Келинлар дафтарига” асари уч китобдан иборат бўлиб, биринчи китоби “Севгининг жони” деб номланади. Мазкур китоб қуйидаги 26тани суҳбатни ўз ичига олади:

1. Оила ҳаловати – жамият ҳаловати. 2. Бахт саройи. 3. Мувозанат. 4. Савоб. 5. Агар уялсанг. 6. Зурриёт. 7. Никоҳ. 8. Талок. 9. Ярашиш. 10. Рашк. 11. “Ёмон хотин”. 12. Яхши хотин. 13. Фарзанд неъмат. 14. Хизмат. 15. Нозик масала – кундош. 16. Иффат ва ҳаё. 17. Вафо. 18. Номус. 19. Виждон. 20. Инсоф. 21. Бошинга қилич келса ҳам. 22. Ёлғончидан худо безор. 23. Чақимчилик. 24. Тухмат, бўхтон. 25. Ғийбат. 26. “Қариндош” иллатлар.

Китобдаги суҳбатлар нафақат келинларга, балки улар орасида йигитларга ҳам тегишли гаплар борлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Масалан, “Оила ҳаловати – жамият ҳаловати” суҳбати ана шундай тавсифга эга. Суҳбатда “оила” тушунчасининг ҳатто илмий адабиётларда учрамайдиган тушунарли таърифи берилган: “Оилани мўжазгина бир жамиятча деб фараз қилсак, бутун инсоният жамиятининг дахлсизлиги айнан ана шу “жамиятча”нинг жипслигига боғлиқ. Демак, қайси жамиятда оилалар мустаҳкам эмас экан, бу жамият ҳарбий қудрати ва бойлигидан қатъий назар ҳалокатга маҳкуmdir. Оилавий муҳаббат одамлар орасида кенг тарқалган энг мустаҳкам муҳаббатдир. Шунинг учун ҳам у кишилар ҳаётига таъсир кўрсатиш жиҳатидан одамнинг энг муҳим ва энг ҳаётбахш туйғусидир. Ўз уйида бахтли бўлган кишигина чинакам бахтлидир. Хароб

уйдаги бахтсиз одамлардан ташкил топган жамиятнинг ҳақлокатга маҳкумлиги шундан келиб чиқади” [55, 11].

Асарда ўзбек оилаларидаги миллий ўзига хослик “Бахт саройи” деб аталган иккинчи суҳбатда Кумушбиби талқинида очиб берилган. Адиб “русларнинг улуғ ёзувчиси (таъкид – Т.М.га тегишли)” Лев Толстойнинг “Анна Каренина” асаридаги Анна ва ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидаги бош қаҳрамон Кумушни киёслаш орқали ўзбек аёлининг оилага садокати, иффати, ҳаёсини ёрқин бўёқларда ифодалаб берган. Адибнинг таъкидлашича, икки ёзувчи (Лев Толстой ва Абдулла Қодирий)нинг тасвирига қараганда, бу аёллар (Анна ва Кумуш)нинг иккови ҳам ғоят гўзал, икковида ҳам муҳаббат бор, икковлари ҳам севги қурбони. Ҳар икки асар ҳам лобарларнинг ўлимлари билан ниҳоясига етади. Лекин уларнинг муҳаббатлари ва оилага садокатлари бир хилми? Анна – оилали жувон, бегона эркакни севди. Оқибатда ўзини ҳалок қилди. Унинг бир гуноҳи икки бўлди. Кумушбиби – маъсума аёл. У жуфти ҳалолига содиқ. Уни ҳатто кундошидан ҳам қизғанади. Балки ана шу қизғаниши, рашкининг чегарасидан чиққани учун ўлим топгандир? Бу икки аёл ўлими сабабчилари – Аннанинг севгилиси (эри эмас!) билан Кумушнинг кундоши – Зайнаб тақдирида қандай яқинлик бор? Ҳеч қандай! Кумуш-Зайнаблар тақдирини европаликлар ҳаётидан излаб тополмаймиз [55, 16].

“Келинлар дафтарига” асарининг иккинчи китоби “Азалий насиба” деб номланади. У етти та суҳбатни ўз ичига олади: 1. Ҳасад ўти. 2. Саломинг бўлмаса. 3. “Дуои бад”. 4. Ҳазил ва мазах. 5. Тилингни авайла. 6. Оҳуни қувиш илинжи. 7. Сабр таги – олтин.

Иккинчи китобни том маънода маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришнинг бадий-маърифий ифодаси деб аташ мумкин. Чунки муаллиф суҳбат чоғида ахлоқий фазилатларни шакллантиришнинг насихат методигагина таяниб қолмайди. Балки жонли, реал мисол ва намуналар келтириш, тушунтириш, изоҳлаш, рағбатлантириш орқали китобхон хотирасида яхши ва ёмон ахлоқни гавдалантиради. Масалан, адиб ҳасад ўти суҳбатида “ҳасад”нинг изоҳини, унинг келиб чиқиш тарихини аниқ мисолларда очиб берган: “Ҳасад – шайтоннинг энг ишончли қуроли. ... Одам ҳамиша яширадиган, яширишга уринадиган иллат ҳасаддир. Ҳасад – бирон танишининг, ҳамкасбининг ёки яқин қариндошининг муваффақияти, ютуғи учун тутилган азадир.

Ҳасад Одам Атонинг ўғли Қобилдан қолган энг разил одатдир. Биласиз ҳасад туфайли Қобил укаси Ҳобилни ўлдирди. Одамзот тарихидаги биринчи қотиллик ҳасад туфайли бўлди. Ҳасад гўдакликда туғилади. Агар киши ўзидаги ҳасад ўтини ўчира олмаса,

одамлар ундан нарига қоча бошлайдилар. Ҳасадгўйлигини яширмайдиган одам хавфли эмас, балки ўта усталлик билан яширувчи кимса ҳар бир жон учун хатарлидир”[56, 5].

Бир оилада тутай бошлаган ҳасад ўти вақтида ўчирилмаса, аланга олиб атрофга тарқайди. Бу ўт жабрини бир эмас, кўпчилик тортади. Ҳасад шундай ўтдирки, агар тутаса, хўлу қуруқ барабар ёнади. Адиб мазкур фикрни исботлаш учун Сталин замонини эслашга даъват қилади. XX асрнинг 30 йилларида яхшиларни маҳв этган тухмат, иғво, фитнадан олдин ёмонларнинг чиркин қалбида ҳасад ўти ёнган. Эҳтимол ҳасад ўти бир оилада, эр-хотин орасидаги суҳбатдан сўнг ёнгандир? Тасаввур қилайлик: қайси бир ижодкорнинг хотини камхаржликдан сиқилиб, эрига: “Сизнинг фалончидан кам ерингиз борми? Нима учун унинг китоблари чиқаверади-ю, сизга йўл бермайдилар. Нега у жарақ-жарақ қалам ҳақи олади-ю, сиз маошга қараб кун кечирасиз?” деди. Бу ижодкор “Оғзингни юм, хотин, сен айтаётган фалончи миллатнинг фахри, ундай ёзувчи юз йилдами ё икки юз йилдами бир битади миллатнинг пешонасига. Мен ўзимнинг қобилиятимга яраша топяпман” деганида олам гулистон эди. Ҳасад ўти ўша онда ўчарди. Лекин... тарихдан маълумки, бу ўт учмаган[56, 6-7].

“Келинлар дафтарига” асарининг иккинчи китобида бугунги куннинг энг асосий муаммоларидан бири қўл телефонларидан фойдаланиш одоби ҳақида ҳам алоҳида фикр билдирилган. Жумладан, “Саломинг бўлмаса...” суҳбатида мазкур масала ҳақида шундай фикрлар билдириб ўтилади: “Телефон ҳақида гап кетганда, мавзудан салгина четга чиксак-да, қўл телефонларидан фойдаланиш одобига тўхталиб ўтсак: ҳозир катта-ю, кичикнинг қўлида телефон кўрамыз. Қаерда бўлса ҳам баралла овозда гаплашаверадилар. Бир куни хорижлик меҳмон билан ошхонада тамадди қилиб ўтирган эдик, ёнимиздаги сўрида ўтирган йигитлардан бири телефонда гаплаша бошлади. Меҳмон унга ажабланиб қараб-қараб қўйди. Йигит гапини мухтасар қилмади. Бундан ғашланган меҳмон ошхона ходимини чорлаб: “Бу укамизга айтинг, биз бу ерга таомланиб, ҳузурланиш учун келганмиз, гаплари бўлса, идораларида гаплашсинлар”, деди. Ошхона ходими миждозини бездириб қўйишдан чўчиб, уни инсофга чақирмади. Шунда меҳмоннинг ўзи танбеҳ берди. Хайриятки, йигит инсофли экан, айбини тушуниб, дарров узр сўради.

Бир куни тонг саҳардаги тўй ошида телефон жиринглади. Йигит бемалол гаплашаверди. Ҳатто “ҳозир ошдаман”, деб кекириб ҳам қўйди. Таассуф шундаки, йигит ўша гапларини уч соат кейин, ҳатто кечки пайт ҳам гаплашса бўлаверарди... Ана шундай ҳолатларда беодоб укаларимизга қўнғироқ қилиб: “Алло, фаросат борми?” дегимиз келади [56, 27-28].

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоира, ёзувчи ва маънавият тарғиботчиси Турсуной Содикованинг номини эшитмаган, унинг чиқишларини телевидение орқали кўрмаган, пурҳикмат сўзларини радиода эшитиб, роҳатланмаган одам орангизда кам топилса керак.

Адибанинг бир-биридан маъноли, мушоҳадали китоблари дунё юзини кўришибилан қўлма-қўл бўлиб ўқилади. Турсуной Содикованинг “Ўғлим, қизим, сенга айтаман”, “Жаннатим онам”, “Муҳаббат нима?”, “Сўз сеҳри” китоблари айниқса, кенг оммалашган.

Турсуной Содикованинг “Ўғлим, қизим, сенга айтаман” китоби эсселар тўпламидан иборат бўлиб, “Ўғлимга айтганларим” ва “Қизларга аталган сўзлар” бўлимларидан ташкил топган.

Адиба асарда “ўғил”, “йигит” деган тушунчаларга қуйидагича изоҳ беради: “... ўғил” дегани “норғул” дегани! “Йигит” дегани “бургут” дегани ва “ўғлон” дегани “полвон” деганидир! Бошқача бўлишга ҳаққинг йўқ, балки полвон бўлишнинг қийиндир, аммо полвонликка интилишинг шарт, чунки сен ўзинг туғилган остонанинг бору йўғига берасан. Мўйлабинг сабза ургандан бошлаб, отанг четга чиқиб, ўртага сен тушасан. Энди посбон ўзинг, уйингдагилар бошига қор-ёмғир ёғдирмайдиган ёпинчиқ ўзинг, уларнинг кўча ишларини тенг бўлишадиган суянчиқ ўзингсан. Қоматинга, феълингга бир назар солчи, шу юмушларга ярайсанмиё йўқ? Ўғил боланинг ўзи ҳам, сўзи ҳам йирик йирик бўлиши керак! Ҳамма онасидан бир парча эт бўлиб туғилади. Оиланга қўрғон бўлмоққа БИЛИМЛИ бўлишинг керак – бунинг учун аввало мушакларингни етилтир. Аёлингга, боланга сарбонликка яраш учун ИЛИМЛИ бўлишинг керак экан, демак, биринчи ишинг уйлангунча илмли, ҳунарли бўлиб олишдир! [47, 5-6]¹”

Бундан ташқари асарда ўғил фарзанд бўлиш илми, куёв бўлим илми, ота бўлиш шартлари, оға-инилик илми масалаларига алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтилган.

Асарнинг “Қизларга аталган сўзлар” бўлимида “Мўъжиза зот”, “Бир бахтинг – суратинг”, “Бир бахтинг – дилинг, ниятинг” каби эсселар тўплами ўз аксини топган.

Адиба аёлликнинг асосий шакли – жисмонан поклик эканлагини таъкидлаб, қуйидагиларни алоҳидда таъкидлаб ўтади: “Инсон гувоҳ йўқ жойда ҳам бурчларини ҳалол адо этсагина Оллоҳнинг розилигига муяссар бўлади, яъни ниятларга етади. Қизболаликнинг, аёлликнинг асосий шарти жисмонан покликдир ва ёдингда бўлсин:

- Эрталабқидан кўра, тунги уйқудан олдинги ювинишнинг мукамалроқ бўлсин.

¹ Содикова Т. Ўғлим, қизим, сенга айтаман. – Т.: “DAVR PRESS”, 2009. – Б.5-6.

- Тоза баданга тоза кийим кий ва тоза чойшаб ёпин.
- Кўйлакни эмас, ички кийимни кўпайтир ва уларнинг кундузгиси ва тунгиси алоҳида бўлсин. Пастки ич кийимини ҳар тонг ва ҳар тунда, албатта, тозасига алмаштир!
- Ечган ички кийимингни ўша заҳоти ювиб қўй ва биров кўрмайдиган жойда қурит!”.
- Умуман, кир тўплама, кир кийимлар турган сари ўзидан ёмон бўй чиқаради. Ва бу хид матоларнинг қат-қатига сингиб қолади. Бундай уйда яхши қиз яшамайди.
- Яхши қизнинг ювмоқчи бўлган кийимларидан ҳам ёқимли ҳис келади.
- Қизойим, ўз баҳойингни бил, сен қатига шабнам қўнган гул каби оҳорликсан, ҳар ер сенга муносиб эмас, ювинишдан аввал ванналарни обдон тозала, сочиқларинг ва бошқа ювиниш анжомларининг алоҳида бўлсин...

Ўз таъбининг равшанлигини ўйлаган ва бундан ўзи яйраган одам ҳақиқий покиза одамдир[47, 81].

Адиба 2008 йилнинг “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши муносабати билан “Муҳаббат нима” китобчасини нашр этди. Инсонни поклайдиган, улғайтирадиган ҳам муҳаббат, бахт ёки бахтсизликка етаклайдиган ҳам муҳаббатдир. Дунё экириши мумкин, аммо бу мавзу эскирмайди! Барча соҳадаги хатолар ўнгланиши, адашишлар тўхташи мумкин. Аммо муҳаббатнинг кўчиси ҳамиша куйганлар, адашганлар ва мажнунлар билан тўлибтошган бўлади. Дунёни қайта қуришга кодир ёш инсон кўпинча ўз ҳис-туйғуларини бошқара олмай қолади. Ҳаяжонлар, эҳтирослар тўғғони баъзан уни кўз очиргани қўймайди, билиб-билмай қадам босиб қўйишлари ҳам шундандир. Ёш юрак баъзан муҳаббат нимаю, ўтар кетар ёқтириш нима, нафс нима эканлигини ажрата олмай қийналади. Гоҳида тафаккури мудраб қолиб, шайтон билан ўртоқлашади. Турсуной Содикованинг “Муҳаббат нима” китоби ана шундай пайтларда ўз ўқувчиларига дўстлик қилади: уларни имкони етганча ҳушёр тортириб, дилларни ёритиб, озми, кўпми хатолардан асраб қолса ажаб эмас.

Асарда “муҳаббат” ва унинг турларига алоҳида-алоҳида таъриф берилиб, содда, тушунарли тарзда очиб берилган. Муаллиф муҳаббатнинг илмий адабиётларда ҳам қайд этилмаган озуқа манбаи руҳият эканлигини кашф этади: “Инсонгагина берилган, инсондагина бор бўлган буюк тортиқ РУҲИЯТДИР! Муҳаббатнинг ватани руҳият! Аллох бу дунёдаги ҳамма нарсани бир-бирига дахлдор қилиб, яъни қай бирини сабаб, қай бирини натижа қилиб яратиб қўйган. Мана шу боғлиқлик, мана шу ўзаро таъсир, бир-бирини сочилиб кетишга йўл қўймаслик, ихлос қўйган нарсасига ўзини унутар даражада гирдикапалак, ҳатто фидойи бўлишнинг оти МУҲАББАТДИР! [48, 6-7]”

Адибанинг фикрича, “Муҳаббат! Бу сўзни айтсанг ҳам, эшитсанг ҳам юрагинг бир зум тўхтаб яна уриб кетгандай бўлади. Бу ҳамиша энтикиш ва ҳаяжон билан ижро қилинадиган сўз! У ҳамманинг кўзини куйдирадиган, аммо ҳаммага ҳам қўнавермайдиган бахт қуши! Муҳаббатнинг бозори йўқ, унинг мозори йўқ! Уни кўзинг кўрмайди, аммо ифори бутун умрингга етади. У кўрнимайди-ю, лекин кўз ўнгингда йўқдан бор қилади, қисматингда инқилобий бурилишлар ясайди. Муҳаббат моддий нарса эмас, ҳамёнингни тўлдирмайди, қорнингни тўйдирмайди, уни дастлаб гулдонга солиб бўлмайди, аммо бутун моддиюнингни ушлаб туради. Сен уни кўрмайсан, аммо ундан қувват оласан. Юрагинг унга суянмаса яшолмай қолади [48, 5-6]”.

Асарда муҳаббатнинг касб-корга муҳаббат, фарзандлик муҳаббати, Ватан ишқи, фарзанд ишқи, оналик муҳаббати каби турларининг мазмун-моҳияти бадиий ифодаларда очиб берилган.

Адибанинг “Жаннатим онам” бадиалар тўпламини “оила педагогикаси хрестоматияси” деб аташ мумкин. Чунки асарда ота-она, ота-она ва фарзанд муносабатлари, аёллик бахти, эркаклик ғурури масалалари батафсил ёритиб берилган. Асарда ота-она ва фарзанд муносабатлари ҳақида гапирилар экан, фарзандларнинг муносабати ота-онани тезда қаритиб ёки яшартирадиган куч эканлиги таъкидлаб ўтилади: “Ота-онани тезда қаритиб ёки ёшартирадиган нарса фарзандларнинг муносабатидир. Бойнинг боласи бўлиб юрганинг чимилдикқача, ўғломим! Оилалик бўлдингми, тамом, буқаламунга айлансангда айлан, аммо шу уйдагилар рози бўладиган муомала топ! Аёлинг билан ҳам, онанг билан ҳам ўзларининг тилида гаплаша бил. Жуда кўп ҳолатларда қайнона билан келин орасининг бузилишига куёв боланинг зийракмаслиги сабаб бўлади.

Кўчадан кираркансан, сўзинг билан ҳам, кўзинг билан ҳам аввал онангни изла, отангни зиёрат қил, аҳволларини сўра, сўнгина аёлингни кўр ва боланга эътибор қил. Билгинки, ота-онангнинг битта иши қолган, у ҳам бўлса, кунда сенинг эсон-омон ишдан келишингни кутиш! Сен эса кела солиб, аёлингни сўрадинг ёки болаларингни алқашга тушдинг. Шугина хатоингни касрини кўр: кўзим тегмасин деб, сени ҳатто ўзидан қизганиб ўтган она сени бутунлай эгаллаб олган келиндан қизганмайдими!? Мувозанат шундан таранг тортади, қайнона-келин мажоралари шундан бошланади [46, 49]”.

Умуман олганда, замонавий шароитда яратилган бадиий-маърифий асарлар юксак маънавиятли шахсни шакллантириш мақсадини амалга оширишга йўналтирилган бўлиб, жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларига тўла мос келади.

Биринчи боб бўйича хулосалар

1. Бадий асарнинг моҳиятини англаш, биринчи навбатда, уни ҳис этиш билан боғлиқ. Бу ерда ўқитувчининг муайян бадий асарни таҳлил қилиш, таҳлил жараёнларига ўқувчиларни жалб этиш ва бу жараённинг ичига уларни тўлиғича кирита олиш маҳоратига чамбарчас боғлиқдир. Бу ҳолат ҳар бир асарнинг жанр хусусиятларини, тасвир принципларини, воситаларини, тегишли адабий-назарий тушунчаларни, синф ва синфдан ташқари машғулотларнинг ўзаро алоқадорлигини, шунингдек, дарс жараёни ва мустақил ишлар уйғунлигини, уларни ташкил этишдаги замонавий илғор методлардан фойдаланишни тақозо этади.

2. Бадий педагогиканинг эндигина шаклланиб келаётган ўқувчи шахсига кўрсатадиган ахлоқий-маънавий, маърифий, эстетик ҳамда эмоционал таъсирнинг кучайиши унинг энг муҳим нуқталардан бирини ташкил этади. Бу адабий таълимнинг барча босқичларида узлуксиз тарзда такомиллашиб бориши шарт бўлган жараёндир.

3. Фикрлаш – ақлий фаолият маҳсули. Энг асосийси, фикрлаш – меросий тушунча, у барча инсонларга хос. Мустақил фикрлаш – бу инсоннинг муаммони, уни ҳал қилиш йўлларини ўзи кўра олиши ва унга мустақил жавоб топа олиш қобилиятидир. Мустақил фикр тайёр мулоҳазаларга, бошқаларнинг фикрларига қарам бўлиб қолмайди. У воқеликни билишга ижодий ёндашади ва уни ўрганишнинг янги йўлларини излаб топади. Мустақил фикрлаш фикрнинг танқидийлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, шахс ижодий фаоллигининг муҳим қиррасини ўзида акс эттиради.

4. Замонавий шароитда Ўзбекистонда бадий педагогика жадаллик билан ривожланиб, мазкур бадий-маърифий асарларнинг яратилишида айниқса, Ўткир Ҳошимов, Тоҳир Малик ва Турсуной Содиковалар катта ҳисса қўшишди.

II БОБ. ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА БАДИЙ ПЕДАГОГИКА ИМКОНияТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ-ТЕХНОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

2.1. Умумтаълим мактаби ўқувчиларининг мустақил фикрлашнинг шакллантиришда бадий педагогика имкониятларидан фойдаланиш йўллари

Бадий-маърифий асарлардан фойдаланиш йўллари кенг қамровли тушунча бўлиб, ўқув жараёнида ва аудиториядан ташқари вақтда бадий-маърифий асарларни муҳим восита сифатида қўллаш ва фойдаланишни ўзида акс эттиради. Биз педагогик амалиёт ўташ жараёнида педагогика коллежлари ўқув ва аудиториядан ташқари жараёнда Ўткир Ҳошимов, Тохир Малик, Турсуной Содикованинг бадий-маърифий асарларидан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқдик ва амалиётга татбиқ этдик.

Ўқув жараёнида бадий-маърифий асарлардан фойдаланиш масаласини миллий истиқлол ғояси, маънавият асослари, адабиёт, тарих фанларини ўқитиш мисолида ҳал этдик. Бадий-маърифий асарлар мазмунига кўра қуйидаги йўналишлардаги мавзуларга ажратилди:

- 1) эстетик тарбия;
- 2) ахлоқий тарбия;
- 3) оила тарбияси.

Юқоридаги фанлардан мазкур йўналишдаги мавзулар бадий-маърифий асарлар билан боғлиқликда ўрганилди:

“Эстетик тарбия” билан боғлиқ масалалар бўйича табиат гўзалликларини кўра олиш, улардан завқланиш, шахснинг эстетик маданиятини шакллантиришнинг муҳимлигини баён этиш жараёнида Ўткир Ҳошимовнинг “Дафтар хошиясидаги битиклар” асаридаги “Нафс бандаси” ҳикоясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: “Денгиз бўйига дам олишга борганимда юртдошим билан ҳамхона бўлиб қолдим. Ниҳоятда тавозели, “илоннинг оғзидан чиққандек” кийинадиган, бўйинбоғ тақиб юрадиган одам экан...”

Бир куни Сочидаги дендрарийга кирдик. Ер юзида жаннат бўлса, шунчалик бўлар! Етти иқлимнинг дарахтлари: ҳар бири чинни косадек оппоқ, ним пушти гуллари ақлни лол қолдирадиган магнолиялар... Арчалар... Бамбулар... Кактуслар... Бананлар... Анвойи чечаклар...

Озода майсазорда товуслар таманно билан кезади. Бир хиллари дарахтлар шохиغا қўниб ўтирибди. Одамларга шу қадар қўниқиб кетганки, яқин боришингиз билан камалакдек думини ёёйиб, ҳуснини кўз-кўз қилади...

Маҳлиё бўлиб туриб қолдим. Бир маҳал ҳамхонам елкамга туртди.

- Шунинг гўштидан табака қилса бўлармикин, домла?

Кўзига узок тикилиб турдим-да, индамай бурилиб кетдим...

Тошкентга қайтгунча деярли гаплашдим...” [72, 141-142].

Ҳикоя айтиб бўлингач, ўқувчиларга қуйидаги саволлар билан мурожаат этилди:

1. Нега ёзувчи ҳамхонаси билан гаплашмай қўйди?
2. Ёзувчининг ўрнида бўлганингизда сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?
3. Нега ёзувчи ҳамроҳининг саволига жавоб бермади?

Ахлоқий тарбия билан боғлиқ масалаларни ўрганиш жараёнида Турсуной Содқованинг “Ўғлим, қизим, сенга айтаман” китобида берилган қатралардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

1. Сознинг, хонанданинг овозига қараб хуш кўрадилар, шундайми? Сен ҳам кишилар билан гаплашганда, аввало, овозингни энг чиройли пардасини топиб гапир.

2. Сен одам танламагин, сўз танла. Топиб айтилган сўз душманни ҳам дўстга айлантира олади.

3. Жаҳлинг чиқиб турганда, яхшиси, сўз айтма. Бу пайтда феълнинг чиқиндилари юзага кўтарилган бўлади, сўзнинг унга булганиб чиқиб, атрофни кир қилади [47, 117].

Адибанинг қатраларидан фойдаланиш жараёнида ҳам ўқувчиларнинг эркин фикр юритишларини таъминлаш мақсадида доимий равишда эркин ёзиш, асосланган эссе ёзиш методларидан фойдаланилди. Мазкур методлардан фойдаланиш жараёнида:

- 1) ўқувчиларнинг қатраларга муносабат билдира олишлари;
- 2) ўз фикрлари билан унинг мазмунини баён этишлари;
- 3) ҳаётий мисоллар келтиришлари;
- 4) фикрларини умумлаштириб, хулоса чиқара олишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Оила масалаларига доир мавзуларни ўрганиш жараёнида Тоҳир Маликнинг “Келинлар дафтарига” асаридаги “Оила ҳаловати – жамият ҳаловати” суҳбатидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: “Ҳар бир инсоннинг оила олдида, оиланинг жамият олдида масъулияти бор. Бу икки ижтимоий тушунчани бир-биридан айириш қийин. Аллоҳга бўлган ишқ, ота-онага, дўстга муҳаббат, силаи раҳм ҳам жамият маънавий ҳаётига ўз таъсирини ўтказди. Аммо оила бу ўринда алоҳида аҳамият касб этади.

Соддарок қилиб айтилса, оиласида ҳаловати йўқ одамнинг хизмат жойида ҳам ҳаловати бўлмайди. Демак ишидан барака кетади, хизматдошлари билан қўпол муомалада бўла бошлайди.

Ёки аксинча, ишда омади юришмага, раҳабаридан сўкиш эшитган одам уйга қатитганда аламини оила аъзоларидан олади. Келинпошша, сиз бу ҳолатни яхши биласиз, ўзингизнинг оилангизда бўлмаса ҳам қўшниларда ёки қариндошларда учрайди. Ўзингиз ҳам уйда кўнглингиз ғашланса, хизматдаги ишингиздан барака қочади. Ҳамкасбларингизга бақириб юборганингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. Ҳамкасбингизни ранжитганингизни билгач, баттар сиқиласиз... аксинча, уйдан шодиёна кайфиятда чиқсангиз, кунингиз унумли бўлади, шу қувонч қанотида учаётганингизда аразлашган кишингиз учраб қолса, унинг айбини ҳам кечириб юборасиз”[55, 12].

Умумтаълим мактабларининг саккизинчи синфларида “Маънавият асослари” фанидаги “Оила – маънавият таянчи” мавзусини ўрганиш жараёнида Ўткир Ҳошимовнинг “Дафтар хошиясидаги битиклар” асаридаги қуйидаги парча тақдим этилди ва ўқувчиларнинг муносабат билидиришлари мақсадида саволлар билан мурожаат этилди:

“Етимхона дарвозасидаги ёзув.

“Ҳой она! Сен бу остонага Мехр деган ниҳолни ташлаб кетяпсан. Ундан Қаҳр деган дарахт ўсиб чиқиши эсингда бўлсин!” [72, 89].

Саволлар:

1. Ўткир Ҳошимовнинг ушбу фикрини таҳлил этинг. Муаллиф ҳақми ёки аксинча бўлиши ҳам мумкинми?

2. Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари билан қай тарзда иш олиб бориш бундай ёмон оқибатга олиб келмаслиги мумкин?

9-синфда адабиёт фанидан “Нодира ва унинг ижоди” мавзусини ўрганиш жараёнида Ўткир Ҳошимовнинг “Дафтар хошиясидаги битиклар” асаридаги “Аёл заковати” ҳикоясидан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг нафақат Моҳларойим Нодиранинг шахсий фазилатлари ҳақида маълумотга эга бўлишлари, балки воқеани таҳлил этиш жараёнида аниқ мустақил хулосаларга кела олишларига имкон яратиш мумкин. Дастлаб ўқитувчи ҳикояни ўқиб берди:

“Амир Умархон – Қўқон хони бўлган. Бетакрор шоир бўлган.

Нодирабегим – Умархоннинг жуфти ҳалоли, малика бўлган. Бетакрор шоира бўлган. Хон саройида мунтазам ташкил этилган мушоираларда мана-ман деган шоирларни “бир чўкишда” қочириб юборган.

...Буни қарангки, шоҳ хонадонида ҳам эр-хотин ўртасида “ғиди-бидилар” бўлакан-да!

Кунларнинг бирида Умархон билан Нодирабегим арзимаган масалада гап таллашиб қолибдилар. Аслида-ку, Нодирабегим ҳақ экан. Аммо Умархон – барибир хон-да!

- Маликам, - дебди жаҳл отига миниб. – Сизга рухсат! Салтанат хазинасидан ўзингиз учун энг қимматли нарсани олинг-да, юртингизга жўнанг!

Базми-жамшид давом этибди. Умархон толикиб, мудроққа кетибди...

Бир маҳал кўзини очса, кўш отли фойтонда кетаётганмиш. Бийдек дала... Ҳаммаёк зулмат...”

Осмонда юлдузлар... Навкарлар отининг туёғи гурсиллайди... Қараса ёнида Нодирабегим ўтирганмиш...

- Бу не синоат? – дебди хон хайрон бўлиб. – Қаёққа кетяпмиз?

- Андижонга! – дебди Нодирабегим кулимсираб. – Ўзингиз юртингизга жўнаг, деб амр этдингиз.

Хон шу куни бўлган хангомани эслаб, яна аччиқланибди.

- Мен сизни Анжон боринг, деб эдим. Анжонга мен ҳам бораман, деган эмасмен!

- Тўғри, олампаҳо! – дебди Нодирабегим. – Сиз мени Анжон юборишни ҳукм этдингиз. Аммо салтанат хазинасидан ўзингиз учун энг қимматли нарсани олиб кет, дедингиз. Ҳукмингиз вожиб! Салтанат хазинасида мен учун энг бебаҳо бойлик – Сиз бўласиз! Мен ўша хазинани ўзим билан олиб кетишга жазм этдим!

... Карвон дарҳол ортга қайтибди [72, 58-59].

Саволлар:

1. Ёзувчи ҳикояда қандай ғояни илгари сурган?
2. Нима деб ўйлайсиз, воқеа ҳақиқатми ёки афсона?
3. Амир Умархон (ўғил болалар) ва Нодирабегим (қизлар) ўрнида бўлгангизда сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?

8-9 синф тарих дарсларида урушлар тарихи билан боғлиқ мавзуларни ўрганиш жараёнида Ўткир Ҳошимовнинг “Дафтар хошиясидаги битиклар” асаридаги қуйидаги катралардан фойдаланиш ўқувчиларнинг чуқур мушоҳада юритишлари, урушларнинг салбий оқибатлари, келиб чиқиш сабабларини мустақил баҳолаш олишларига ёрдам беради:

1. ... Олимларнинг ҳисоб-китобларига караганда, сўнгги олти минг йил ичида Ер куррасида 5700 марта уруш бўлган экан. (Маида-чуйда қабилалар жанжали ҳисобга кирмайди). Яна ўша олимларнинг айтишича, одамзод ўртача олтмиш йил умр кўраркан.

Бундан чиқди, инсон боласи ҳаёти давомида 57 йил уруш қилиб, уч йил “дам олар” экан. Астағфируллоҳ! Биз киммиз ўзи?

2. Урушнинг яхшиси бўлмайди. Аммо энг даҳшатли уруш – фуқаролар уруши... Негаки, у авлоддан авлодга “мерос” ўтиб, абадий давом этади!

3. Уруш билан беш кунда битадиган муаммо тинчлик билан беш йилда битса, иккинчи йўлни танлаш керак!

4. Бир замонлар урушда аскарлар ўлса-ўлгандир. Ҳозирги урушда куро кўтаргандан кўра қурол кўтармаган кўпроқ қирилади. Замонавий қуроллар окоп билан болалар боғчасининг, аэродром билан туғруқхонанинг фарқига бормайди!

5. Уруш деган палокатни кўпинча нодон сиёсатчилар ўйлаб топади. Қалтафаҳм саркардалар бошлайди. Жабрини эса, бегуноҳлар тортади. Жангда ҳалок бўлган бегуноҳ аскар. Гулдек ўғлидан айрилган бегуноҳ она, бегуноҳ ота. Тул қолган бегуноҳ келин. Отасидан жудо бўлган бегуноҳ гўдак...

Синфдан ташқари вақтда бадиий-маърифий асарлардан фойдаланишда мустақил ишларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Бадиий-маърифий асарларни ўқувчилар томонидан мустақил ўрганишларини ташкил этишда интерфаол методлардан кенг фойдаланишга эътибор қаратилди.

Ҳикояларни қиёслаш: ҳикоя чизмаси. Ҳикоялар бошқа ҳикоялар билан қиёсланса, уларнинг мазмуни ўқувчилар томонидан тўла англаб етилади. Юқори даражада англашнинг натижасида ўқувчиларда фаоллик ва мустақил фикр юритиш кўникмалари шаклланади. “Ҳикояларни қиёслаш” методи қозоқ адабиёти дарсларида ўқувчиларнинг билиш фаоллигини оширувчи мустақил ишлар сирасига қиради.

Мазкур методни қўллаш технологияси:

Ўқувчиларнинг мустақил ўқишлари учун учта бадиий ҳикоя танлаб олинади. Сўнг ўқитувчи қуйидаги расмда кўрсатилганидек, жадвал тўлдиришни ўқувчиларга таклиф этади.

Ҳикоянинг номи	Ҳикоянинг маркази-да ким ёки нима туради?	Ҳикоядан келиб чиқадиган моҳият нима-да?	Ҳикоянинг тарбиявий аҳами-яти нимада?
“Шайтоний нафс” (Т.Содиқова)			
“Ғийбат” (Тоҳир Малик)			

“Лайлак” (Ўткир Ҳошимов)			
-----------------------------	--	--	--

Жадвалга қанча кўп ҳикоя киритилса, қиёслаш учун шунча кўп имко-ният туғилади.

Тушунчалар асосида матн тузиш. “Тушунчалар асосида матн тузиш” методи билиш-изланиш туридаги мустақил ишлар сирасига кириб, бу иш турли хил мантиқий амалларни талаб этади: анализ ва синтез, факт ва ҳодисаларни қиёслаш, улардаги муштараклик ва фарқли томонларни аниқ-лаш, асосий ва иккинчи даражали белгиларни ажратиш, сабаб-оқибат алоқа-ларини очиб бериш ва ҳақозо. Одатда ўқувчилар номаълум ҳодисалар, янги материалларга дуч келадилар, янги билимларни эгаллаш ва ўқув муаммосини ҳал қилиш йўлларини излаб топишни талаб этадиган муаммоли вазият пайдо бўлади.

Мазкур методни қўллаш технологияси:

Дастлаб ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда ҳикояни ўқиб чиқишади. Сўнг ҳикояга оид тушунчаларни ажратиб, ўқувчиларга тақдим этади. Улардан бирини намуна сифатида бажариб кўрсатади. Сўнг ўқувчилар дарсликдан фойдаланиб, тушунчалар асосида мустақил тарзда матн тузадилар.

Масалан, Ўткир Ҳошимовнинг “Дафтар хошиясидаги битиклар” китобидаги “Йигирманчи аср” (Ҳошимов Ў. Дафтар хошиясидаги битиклар. – Т.: Шарқ, 2006. – Б.8-9.) ҳикояси бўйича:

- 1) сил, безгак, чечак, спид, инсонлар;
- 2) даҳрийлар тузуми, диний экстремизм, миллионлаб инсонлар;
- 3) мустамалакачилик, хурлик, фашизм, тоталитаризим;
- 4) “учар гиламлар”, “ойинаи жаҳон”, компьютер, жаҳон уруши, миллионлаб инсонлар;
- 5) самовий кемалар, Ой, ядро қуроли, инсон, доно, бегуноҳ, нодон ва гуноҳкор.

Юқорида баён этилганлардан маълум бўладигани, ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришда бадиий педагогика имкониятларидан фойдаланиш қуйидаги шакл, метод ва воситалар бирлигини тақозо этади:

Шакллар: жамоавий, индивидуал, гуруҳли, жуфтликларда ишлаш, синфда ва синфдан ташқари машғулотлар, мустақил иш, тўгарак.

Методлар: тушунтириш, суҳбат, қиёслаш, “ақлий ҳужум”, “фикрлар ҳужуми”, “эркин ёзиш”, “асосланган эссе ёзиш”, “ҳикояларни таққолаш”, “тушунчалар асосида матн тузиш”.

Воситалар: китоблар, видеороликлар, радио эшиттиришлар, слайд-шоулар.

Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришда бадиий педагогика имкониятларидан фойдаланишга доир назарий ва амалий жиҳатларни умумлаштириш ҳолда, ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришда бадиий педагогика имкониятларидан фойдаланишнинг қуйидаги моделини ишлаб чиқдик:



2.1.1-расм. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришда бадиий педагогика имкониятларидан фойдаланиш тизими

2.2. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришда бадиий педагогика имкониятларидан фойдаланишга доир тажриба синов ишлари мазмуни ва натижалари

Умумтаълим мактаби ўқувчиларининг бадиий педагогика имкониятларидан фойдаланиш орқали мустақил фикрлашининг шаклланганлик даражасини аниқлаш аниқ

мезонлар тизимини ишлаб чиқишни талаб этади. Мазкур масалага ойдинлик киритиш учун биз қуйидаги мезонлар тизимини тақдим этдик:

I. Когнитив (билишга доир): ўқувчилар бадий-маърифий асарларни ўқиб-ўрганликлари, улар ҳақида маълумотга эгалиги, асарлардаги маълумотларни тушуна олишлари, воқеликни тўлиқ идрок эта олишлари.

II. Креатив (ижодий): воқеликка ижодий ёндашиш, ностандарт фикрлай олиш, воқеликни юзага келтирган сабабларни аниқлай олиш; воқелика шахсий муносабатини билдира олиш, натижани аниқ кўра олиш;

III. Фаолиятли: мустақил қарор қабул қила олиш, ўз қарорини сақлаб қола олиш, бошқаларнинг фикрлари билан ҳисоблашиш, ўз фикрларига ўзгартириш кирита олиш, аниқ хулосалар чиқара олиш.

Мазкур мезонларга асосланган ҳолда, тажриба-синов майдонлари сифатида белгилаб олинган Тошкент шаҳрининг Сергели туманида 301-, 267, 104-сонли умумий ўрта таълим мактабларида педагогик эксперимент амалга оширилди.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари қуйидаги материаллар билан таъминланди:

- 1) бадий-маърифий асарлар;
- 2) бадий-маърифий асарлардан олинган алоҳида матнлар;
- 3) бадий-маърифий асарлардан олинган матнларни қўллайдиган машғулотлар ва мавзулар рўйхати;
- 4) бадий-маърифий асарлар билан ишлашга доир мустақил иш топшириқлари;
- 5) бадий-маърифий асарлардан фойдаланиш модели.

Педагогик эксперимент икки босқичда амалга оширилиб, дастлаб синов машғулотлари тарзида, сўнгра очик дарслар кўринишида намойиш этилди. Ҳар бир машғулотдан сўнг, ўқувчиларнинг ва ўқитувчиларнинг бадий-маърифий асарлардан фойдаланишнинг афзалликлари ҳақидаги фикрлари ёзма ва оғзаки равишда сўраб борилди.

Қуйида бадий-маърифий асарлардан фойдаланишга доир ўқитувчиларнинг фикрларидан намуналар келтирамиз:

3. Умарова (Сергели туманидаги 266-мактаб ўқувчиси): 8-9 синф тарих дарсларида ўқувчилар асосан, илмий маълумотлар билан танишганликлари учун машғулотлар жараёнида уларнинг диққатларини тўплаш, мавзуни онгли ўзлаштиришлари анча қийин кечади. Тажриба шуни кўрсатдики, ўтилаётган мавзуларда замонавий бадий-маърифий асарлардан фойдаланиш ҳам ўқувчининг қизиқишини орттиради, шунингдек, унинг

воқеликка ўз муносабатини билдириш, эркин фикр юритиш, ўз қарорини ҳимоя қилиш кўникмаларини ҳам ривожлантиради. 2009-2010 ва 2010-2011 ўқув йилларида магистрант Г.Каримова томонидан таклиф этилган методика асосида олиб борилган фаолият натижалари бундай хулосалар чиқаришга имкон берди.

Н.Камолов (Сергели туманидаги 266-мактабнинг 9-синф ўқувчиси): Бизнинг синфимиздаги кўпчилик ўғил болалар одатда, маънавият асослари дарсини ёмон кўраемиз. Чунки ўқитувчимиз кўпинча фақат дарсликдаги матнни ўқитиш билан чегараланади. Матн эса расмий тилда баён этилганга ўхшайди. Ана шундай дарсларнинг бирида Тошкент давлат педагогика университети магистранти Гавҳар опа ўқитувчимиз билан бирга синфга кириб келдилар ва “Оила – маънавият таянчи” деган мавзу билан танишишимизни айтдилар. Биз хайрон бўлдик: “Энди бу ўқитувчи нимани қойиллатаркан, бу ҳам китобдагини ўқитса керак-да!” Бироқ биз кутганимиздек, бўлмади. Гавҳар опанинг тушунтиришни Ўткир Ҳошимовнинг “Дафтар хошиясидаги битиклар” асаридаги “Тарнов” ҳикояси билан бошладилар. Ҳикояни айтиб берар эканлар, эгим жунжикиб кетдим. Чунки ёмғир ёққан кунларнинг бирида онамнинг нарвон олдига келиб, менга кийимимни кийишни буюриб, ўзлари ҳам ёмғир тагида шалаббо бўлганликлари ёдимга келди. Шундан сўнг, биз Гавҳар опани дарсга киришларини ҳар доим интиқлик билан кута бошладик, ҳозир ҳам шунака. Энг асосийси, бундай дарсларда биз воқеага ўзимизнинг эркин фикримизни билдира оламиз. Бошида бизда эркин фикр алмашиш кўникмаси бўлмагани учун анча шовқинли ҳолат бўлди, аста-секинлик билан мустақил фикрлаш маданиятини ҳам ўзлаштира бошладик...”

Тажриба-синов ишларининг боши ва охирида ўқувчиларга бадиий-маърифий асарларни ўрганиш билан боғлиқ топшириқлар бериб борилди ва натижалар умумлаштириб борилди. Ҳисоблаш осон бўлиши учун биз иккита топшириқ ва уни бажаришга доир ўқувчиларнинг жавобларини асос қилиб олдик:

1-топшириқ. Мустақил иш жараёнида танишган бадиий-маърифий асарларимиздан бирорта ҳикояни танлаб олинг ва у бўйича асосланган эссе ёзинг (1-илова).

2-топшириқ. Китобхонлик кечаларида танишган ҳикояларимиз асосида тушунчалар асосида матн тузинг (2-илова).

Умумтаълим мактабларининг 8-9 синфларида шакллантирилган тажриба ва назорат синфлари ўқувчиларига мазкур топшириқлар тақдим этилди ва уларнинг ёзма ишлари топшириқ тавсифига кўра белгиланган мезонлар асосида беш баллик тизимда баҳоланди.

2.2.1-жадвал

1-топширик юзасидан ўқувчиларнинг натижалари

Синфлар		Ишни бажарган ўқувчиларнинг умумий сони	Баҳо							
			“5” баҳо		“4” баҳо		“3” баҳо		“2” баҳо	
			т.а	т.с.	т.а.	т.с.	т.а.	т.с.	т.а.	т.с.
Таж. синф	8 “А”	56	5	15	25	35	16	6	10	0
	9 “А”	62	4	16	26	42	26	4	6	0
Наз. синф.	8 “Б”	49	8	9	15	17	20	16	6	7
	9 “Б”	48	6	8	24	24	13	14	5	2

2.2.1-жадвалдан кўринадики, ўқувчиларга тақдим этилган 1-топширик юзасидан тажриба гуруҳларидаги миқдор ва сифат кўрсаткичлари назорат гуруҳиникидан анча юқори. Шунингдек, 2-топширик юзасидан ҳам ўқувчиларнинг тўплаган баллари куйидагича умумлаштирилди (2.2.2-жадвал).

2.2.2-жадвал

2-топширик юзасидан ўқувчиларнинг натижалари

Синфлар		Ишни бажарган ўқувчиларнинг умумий сони	Баҳо							
			“5” баҳо		“4” баҳо		“3” баҳо		“2” баҳо	
			т.а	т.с.	т.а.	т.с.	т.а.	т.с.	т.а.	т.с.
Таж. синф	8 “А”	56	7	18	16	32	23	6	10	0
	9 “А”	62	8	21	18	31	24	10	12	0
Наз. синф.	8 “Б”	49	6	8	14	15	20	20	9	6
	9 “Б”	48	7	9	13	14	18	17	10	8

2.2.2-жадвалдан ҳам тажриба гуруҳидаги натижаларнинг назорат гуруҳлариники билан таққослаганда, юқори эканлиги маълум бўлади.

Топшириқлар бўйича олинган натижалар умумлаштириб бўлинганидан сўнг, умумий мезонлар бўйича ўқувчиларнинг мустақил фикрлашининг шаклланганлик даражаси ҳам аниқлаштирилди:

2.2.3-жадвал

Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши шаклланганлигининг мезонлар(когнитив, креатив ва фаолиятли) бўйича кўрсаткичлари (таъкидловчи босқич)

№	Мезонлар	Назорат гуруҳи (118 нафар респондент)			Тажриба гуруҳи (97 нафар респондент)		
		юқори	ўрта	қуйи	юқори	ўрта	қуйи
I.	<i>Когнитив (билишга доир)</i>						
1.	Ўқувчилар бадий-маърифий асарларни ўқиб-ўрганганликлари	33	24	43	66	28	6
2.	Бадий-маърифий асарлар ҳақида маълумотга эгаллиги	28	31	41	64	32	4
3.	Асарлардаги маълумотларни тушуна олишлари	31	27	42	66	29	5
4.	Воқеликни тўлиқ идрок эта олишлари	27	30	43	65	29	6
5.	Воқеликнинг моҳиятини англай олиш	29	29	42	67	28	5
II.	<i>Креатив (ижодий)</i>						
1.	Воқеликка ижодий ёндашиш	31	29	40	66	27	7
2.	Ностандарт фикрлай олиш	32	27	41	68	28	4
3.	Воқеликни юзага келтирган сабабларни аниқлай олиш	27	29	44	65	30	5
4.	Воқеликка шахсий муносабатини билдира олиш	29	29	42	67	29	4
III.	<i>Фаолиятли</i>						
1.	Мустақил қарор қабул қила олиш	30	28	42	67	28	5
2.	Ўз қарорини сақлаб қола олиш	32	27	41	69	28	3
3.	Бошқаларнинг фикрлари билан ҳисоблашиш	28	29	43	67	29	4
4.	Ўз фикрларига ўзгартириш кирита олиш	27	30	43	68	27	5
Ж а м и ф о и з д а		384	369	547	865	372	63
Ўртачаси фоизда		29,5	28,4	42,1	66,5	28,6	4,9
Ўртачаси респондентлар сониди		26	24	36	59	25	4

Умуман олганда, тажриба-синов ишлари натижалари биз томонимиздан илгари мурилган тадқиқот фаразини тўлиқ тасдиқлайди: умумтаълим мактаблари фанларини ўқитиш жараёнида бадий-маърифий асарлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

1. Бадиий-маърифий асарлардан фойдаланиш йўллари кенг қамровли тушунча бўлиб, ўқув жараёнида ва аудиториядан ташқари вақтда бадиий-маърифий асарларни муҳим восита сифатида қўллаш ва фойдаланишни ўзида акс эттиради.

2. Ўқув жараёнида бадиий-маърифий асарлардан фойдаланиш масаласини миллий истиқлол ғояси, маънавият асослари, адабиёт, тарих фанларини ўқитиш мисолида ҳал этдик. Бадиий-маърифий асарлар мазмунига кўра қуйидаги йўналишлардаги мавзуларга ажратилди: 1) эстетик тарбия; 2) ахлоқий тарбия; 3) оила тарбияси.

3. Синфдан ташқари вақтда бадиий-маърифий асарлардан фойдаланишда мустақил ишларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Бадиий-маърифий асарларни ўқувчилар томонидан мустақил ўрганишларини ташкил этишда “Ҳикояларни таққослаш”, “Тушунчалар асосида матн тузиш” каби интерфаол методлардан кенг фойдаланишга эътибор қаратилди.

Умумий хулоса ва тавсиялар

1. Бадиий асарнинг моҳиятини англаш, биринчи навбатда, уни ҳис этиш билан боғлиқ. Бу ерда ўқитувчининг муайян бадиий асарни таҳлил қилиш, таҳлил жараёнларига ўқувчиларни жалб этиш ва бу жараённинг ичига уларни тўлиғича кирита олиш маҳоратига чамбарчас боғлиқдир. Бу ҳолат ҳар бир асарнинг жанр хусусиятларини, тасвир принципларини, воситаларини, тегишли адабий-назарий тушунчаларни, синф ва синфдан ташқари машғулотларнинг ўзаро алоқадорлигини, шунингдек, дарс жараёни ва мустақил ишлар уйғунлигини, уларни ташкил этишдаги замонавий илғор методлардан фойдаланишни тақозо этади.

2. Бадиий педагогиканинг эндигина шаклланиб келаётган ўқувчи шахсига кўрсатадиган ахлоқий-маънавий, маърифий, эстетик ҳамда эмоционал таъсирнинг кучайиши унинг энг муҳим нуқталардан бирини ташкил этади. Бу адабий таълимнинг барча босқичларида узлуксиз тарзда такомиллашиб бориши шарт бўлган жараёндир.

3. Фикрлаш – ақлий фаолият маҳсули. Энг асосийси, фикрлаш – меросий тушунча, у барча инсонларга хос. Мустақил фикрлаш – бу инсоннинг муаммони, уни ҳал қилиш йўллариини ўзи кўра олиши ва унга мустақил жавоб топа олиш қобилиятидир. Мустақил фикр тайёр мулоҳазаларга, бошқаларнинг фикрларига қарам бўлиб қолмайди. У воқеликни билишга ижодий ёндашади ва уни ўрганишнинг янги йўллариини излаб топади. Мустақил фикрлаш фикрнинг танқидийлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, шахс ижодий фаоллигининг муҳим қиррасини ўзида акс эттиради.

4. Замонавий шароитда Ўзбекистонда бадиий педагогика жадаллик билан ривожланиб, мазкур бадиий-маърифий асарларнинг яратилишида айниқса, Ўткир Ҳошимов, Тоҳир Малик ва Турсуной Содиковалар катта ҳисса қўшишди.

5. Ўткир Ҳошимов томонидан яратилган бадиий-маърифий асарлар орасида “Дафтар хошиясидаги битиклар” рисоласи Ўзбекистонда бадиий педагогика ривожининг чўққисини забт этди, десак хато бўлмайди. Чунки адибнинг мазкур китоби 2000 йилдан бугунги кунгача қайта-қайта нашр қилиб келинмоқда. Асар олти бўлимни ўз ичига олади; “Табиат. Жамият. Инсон”, “Фарзандларимга ўғитлар”, “Урушлар ҳақида”, “Болалик – пошшолик”, “Саккизинчи мўъжиза”, “Табассумга мойил гаплар”.

Асарнинг энг муҳим бўлими “Табиат. Жамият. Инсон” бўлиmidир. Мазкур бўлимдаги катра ва ҳикояларни тарбиявий аҳамиятига кўра бир неча гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) тарихий онгни шаклантиришга доир;
- 2) миллий ғурур ва ифтихор туйғусини шаклантиришга доир;
- 3) ҳаёт мазмунини англашга доир;
- 4) оила тарбияси билан боғлиқ;
- 5) ахлоқий фазилатларни шаклантириш билан боғлиқ қатра ва ҳикоялар.

6. Машҳур адиб Мирзакалон Исмоилийнинг жияни Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тохир Малик ҳам сўнгги йилларда қатор “Алвидо болалик”, “Чархпалак”, “Шайтанат” детектив асарлари билан бирга “Келинлар дафтарига” бадиий-маърифий асарини яратди. Мазкур асар ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Мирзакалон Исмоилий томонидан яратилган “Қизлар дафтарига” деб аталган “Ўн бир оқшом ҳикояти”нинг мантиқий давоми десак, хато бўлмайди.

“Келинлар дафтарига” асари уч китобдан иборат бўлиб, биринчи китоби “Севгининг жони” деб номланади. Мазкур китоб қуйидаги 26тани суҳбатни ўз ичига олади. “Келинлар дафтарига” асарининг иккинчи китоби “Азалий насиба” деб номланади. У етита суҳбатни ўз ичига олади. Иккинчи китобни том маънода маънавий-ахлоқий фазилатларни шаклантиришнинг бадиий-маърифий ифодаси деб аташ мумкин. Чунки муаллиф суҳбат чоғида ахлоқий фазилатларни шаклантиришнинг насиҳат методигагина таяниб қолмайди. Балки жонли, реал мисол ва намуналар келтириш, тушунтириш, изохлаш, рағбатлантириш орқали китобхон хотирасида яхши ва ёмон ахлоқни гавдалантиради.

7. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоира, ёзувчи ва маънавият тарғиботчиси Турсуной Содикованинг номини эшитмаган, унинг чиқишларини телевидение орқали кўрмаган, пурҳикмат сўзларини радиода эшитиб, роҳатланмаган одам орангизда кам топилса керак. Адибанинг бир-биридан маъноли, мушоҳадали китоблари дунё юзини кўриши билан қўлма-қўл бўлиб ўқилади. Турсуной Содикованинг “Ўғлим, қизим, сенга айтаман”, “Жаннатим онам”, “Муҳаббат нима?”, “Сўз сеҳри” китоблари айниқса, кенг оммалашган.

8. Бадиий-маърифий асарлардан фойдаланиш йўллари кенг қамровли тушунча бўлиб, ўқув жараёнида ва аудиториядан ташқари вақтда бадиий-маърифий асарларни муҳим восита сифатида қўллаш ва фойдаланишни ўзида акс эттиради. Ўқув жараёнида бадиий-маърифий асарлардан фойдаланиш масаласини миллий истиқлол ғояси, маънавият асослари, адабиёт, тарих фанларини ўқитиш мисолида ҳал этдик. Бадиий-маърифий асарлар мазмунига кўра қуйидаги йўналишлардаги мавзуларга ажратилди: 1) эстетик тарбия; 2) ахлоқий тарбия; 3) оила тарбияси. Синфдан ташқари вақтда бадиий-маърифий

асарлардан фойдаланишда мустақил ишларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Бадиий-маърифий асарларни ўқувчилар томонидан мустақил ўрганишларини ташкил этишда “Ҳикояларни таққослаш”, “Тушунчалар асосида матн тузиш” каби интерфаол методлардан кенг фойдаланишга эътибор қаратилди.

Тадқиқот натижалари асосида умумтаълим мактаби ўқитувчилари учун қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқдик:

1) синф ва синфдан ташқари машғулотларда бадиий педагогика имкониятларидан кенг фойдаланиш;

2) бадиий-маърифий асарларни ўрганиш ва ўқувчилар орасида оммалаштиришга доир тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;

3) бадиий педагогика соҳасига катта ҳисса қўшаётган адиблар билан давра суҳбатлари, маънавият кечалари ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 71 б.
2. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 24 б.
3. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 138 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 315 б.
5. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкуриси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 59 б.
8. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни// “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” китобида. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 20-29.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”// “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” китобида. – Т.: Шарқ, 1997. – Б.31-61.
11. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 80 б.
12. Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим: (Дин, фалсафа, ҳаёт, маънавият ва маърифат сабоқлари). – Т.: Моварауннаҳр, 2002.
13. Абдурахмонова Б. “Қутадғу билиг”да ёшлар тарбияси. // “Адабий таълим ва ёшлар тарбияси” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Т., 2009. – Б.3-21.
14. Адабиёт – руҳият мулки. // Тўпловчи: Д.Бегимқулов. – Т., 2000.
15. Адабий таълим ва ёшлар тарбияси. – Т., 2011.
16. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Ўнинчи том, Ҳамса, Сабъайи сайёр, Тошкент, Фан, 1992.

17. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир (Катта ахлоқ китоби). Маҳкам Маҳмуд таржимаси ва шарҳлари. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2004.
18. Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. – Т.: Шарқ, 2000.
19. Богданова О. Ю., Леонов С. А., Чертов В. Ф. Методика преподавания литературы. Под редакцией О.Ю. Богдановой. Учебник для студентов пед. вузов. 2-е издание, стереотипное М.: Издательский центр «Академия», 2002
20. Джамилова Н.Н. Педагогические основы формирования организаторских качеств у учащихся педагогических колледжей. – Т.: Фан, 2007.
21. Жабборов А. Мустақил фикрлаш – шахс камолотининг муҳим омили // Ёшларнинг акмеологик қарашларини шакллантиришда соғлом турмуш тарзининг ўрни: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари (2008 йил, 30 май). – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2008. – 261 б.
22. Зайнитдинова М. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш фаолиятларини ривожлантириш омили // ж. Халқ таълими. – 2004. - №1. – Б. 132-135.
23. Izzat Sulton. Adabiyot nazariyasi. Qayta ishlangan va to'ldirilgan uchinchi nashri, - Т.: O'qituvchi, 2005.
24. Imomnazarov M. Milliy ma'naviyatimiz asoslari. – Т.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2006.
25. Иномова М. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий кадрятлар. – Т.: Фан, 1995.
26. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
27. Калдибекова А.С., Ходжаев Б.Х. Ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш йўллари – Т.:ТДПУ, 2006. – 96 б.
28. Каримова В. Психология. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – 204 б.
29. Каримова В.М., Суннатова Р.И. Мустақил фикрлаш. Ўқув қўлланмаси бўйича машғулотларни ташкил этиш услубиёти – Т.: Шарқ, 2000. – 16 б.
30. Каримова В.М., Суннатова Р.И., Тожибоева Р.Н. Мустақил фикрлаш – Т.: Шарқ, 2000. – 111 б.
31. Квинт Гораций Флакк. Пизонларга бағишлов. // Д.Қурононов, Б.Раҳмонов. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент, «Фан», 2008.

32. Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий кадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. – Т.: Фан, 2006.
33. Маҳкамов У.И. Юқори синф ўқувчиларида ахлоқий маданиятни шакллантиришининг педагогик асослари: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Т., 1998.
34. Мирқосимова М. Адабиёт ва маънавият муштараклиги. // “Адабий таълим ва ёшлар тарбияси” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Т., 2009. – Б.21-30.
35. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: Шарқ, 2000.
36. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий ғурур. – Т.: Ўқитувчи, 1999.
37. Мусаев Ж. Мустақил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш машқлари. //ж. Халқ таълими– 2007. - №1. – Б. 7-13.
38. Нишонова С. Маънавият дарслари. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
39. Нишонова З.Т. Мустақил ижодий фикрлаш. – Т.: Фан, 2003.
40. Нишонова З.Т., Таскараев А. Талаба ва ўқувчиларнинг мустақил иши // Ижтимоий ислохотлар: таълим ва тарбия конференция тезислари – Т.: 2005. – 96-97 бетлар.
41. Нишонова З. Т. Мустақил фикрлаш – ижодиёт сари қўйилган қадам // Халқ таълими. – 1998 - №6. – 58-61 бетлар.
42. Нишонова З.Т. Мустақил ижодий фикрлаш. – Т.: Фан, 2003. – 114 б.
43. Нуруллаева Ш.Ў. Бошланғич синф она тили дарсларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш методикаси: Педагогика фанлари номзоди ... дис. – Т., 2007.
44. Отамуродов С. Маънавият ва маърифат асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1991.
45. Платон. Давлат. – // Д.Қуронов, Б.Раҳмонов. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент, «Фан», 2008.
46. Содиқова Т. Жаннатим онам. – Т.: “DAVR PRESS”, 2008.
47. Содиқова Т. Ўғлим, қизим, сенга айтаман. – Т.: “DAVR PRESS”, 2009.
48. Содиқова Т. Муҳаббат нима? – Т.: “DAVR PRESS”, 2008.
49. Стилл Ж., Меридис К., Темпл Ч. Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари. 1-қўлланма. – Т.: ТДТУ, 2000. – 48 б.
50. Стилл Ж., Меридис К., Темпл Ч. Танқидий фикрлашни ривожлантиришга ёрдам берадиган кейинги усуллар. 2-қўлланма. – Т.: ТДТУ, 2000. – 90 б.
51. Стилл Ж., Меридис К., Темпл Ч. Ҳар бир ўқув фанида ўқиш, ёзиш ва мунозара. 3-қўлланма. – Т.: ТДТУ, 2000. – 95 б.

52. Стилл Ж., Меридис К., Темпл Ч. Танқидий фикрлашни ривожлантириш учун кейинги стратегиялар. 4-қўлланма. – Т.: ТДТУ, 2000. – 111 б.
53. Стилл Ж., Меридис К., Темпл Ч. Биргаликда ўқитиш. 5-қўлланма. – Т.: ТДТУ, 2000. – 78 б.
54. Стилл Ж., Меридис К., Темпл Ч. Ўйланувчан китобхонни тарбиялаш. 8-қўлланма – Т.: ТДТУ, 2000. – 80 б.
55. Тоҳир Малик. Келинлар дафтарига. Биринчи китоб. – Т.: “DAVR PRESS”, 2009.
56. Тоҳир Малик. Келинлар дафтарига. Иккинчи китоб. – Т.: “DAVR PRESS”, 2009.
57. Тўхлиев Б. Адабиёт санъат тури ва ўқув предмети сифатида. // “Адабий таълим ва ёшлар тарбияси” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Т., 2009. – Б.3-21.
58. Умаров Э. Эстетика: (Нафосатшунослик). – Т.: Ўзбекистон, 1995.
59. Umarov E., Karimov R., Mirsaidova M. Estetika asoslari. – Т.: “Cho’lpon” nashriyoti, 2006.
60. Фалсафа: комусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). – Т.: Шарқ, 2004.
61. Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўқувчиларининг мустақил фикрлашини шакллантиришнинг дидактик асослари (5-7-синф тарих дарслари мисолида): Педагогика фанлари номзоди. ...дисс.Автореф. – Т., 2009.
62. Шер Абдулла. Ахлоқшунослик. – Т.: “ЎАЖБНТ” маркази, 2003.
63. Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ҳамда касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Т., 2010.
64. Энциклопедия педагогических технологий. – Санкт-Петербург: КАРО, 2005. – 367 с.
65. Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. – Т.: Маънавият, 1999.
66. Эркаев А. Тафаккур эркинлиги. – Т.: Маънавият, 2007.
67. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Саодатга бошловчи билим. Трпанскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи Қ.Каримов, - Тошкент, Фан, 1971.
68. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Т.9 – Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2005.

69. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тўртинчи жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 630 б.
70. Ғозиев Э.Ғ. Тафаккур психологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 185 б.
71. Ғозиев Э.Ғ. Психология (Ёш даврлари психологияси). – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 224 б.
72. Ҳошимов Ў. Дафтар ҳошиясидаги битиклар. – Т.: Шарқ, 2006.
73. Ҳусанбоева Қ.П. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари: Дис. ...пед.фан.док. – Т., 2007. – Б.13.
74. Ҳусанбоева Қ.П. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари: Автореф. ...пед.фан.док. – Т., 2007. – 39 б.
75. Ҳусанбоева Қ.П. Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари. – Т.: ЎЗИН ком центр, 2003. – 101 б.

Иловалар**1-илова****“Асосланган эссе” ёзиш учун мавзулар**

1. 7-синфлар учун: Ў.Ҳошимовнинг “Дафтар хошиясидаги битиклар” асари.
2. 8-синфлар учун: Т.Содиқованинг “Ўғлим сенга айтаман, қизларга аталган сўзлар” асари.
3. 9-синфлар учун: Т.Маликнинг “Келинлар дафтарига” (қиз болалар учун) ва “Алвидо болалик” (ўғил болалар учун).

“Асосланган эссе” ёзиш тартиби

Топшириқни бажариш тартиби:

1. Мазкур мавзу юзасидан ўз нуқтаи назарларингизни баён этинг.
2. Нуқтаи назарингизни асослаш учун далиллар киритинг.
3. Мавзу юзасидан аниқ хулосалар чиқаринг.